O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **18** август, жума № **33** (2160).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **18** августа, **2006** год, № **33** (2160).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

СОЧИ, 16 август (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида норасмий учрашувга йиғилдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда кузатувчи сифатида Украина Бош вазири Виктор Янукович иштирок этди.

Учрашувда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Божхона иттифоқини тузишга оид масала асосий муҳокама мавзуси бўлди. Томонлар ҳамжамиятни ривожлантириш йўллари юзасидан фикр алмашдилар.

Саммитда, шунингдек, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини барпо этиш, сув-энергетика консорциумини тузиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президентлар хавфсизлик борасидаги ҳамкорликка оид масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Бош котиби Григорий Рапота ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжанинг ҳисоботлари тингланди.

Учрашув якунида ўтказилган матбуот анжуманида музокарада, аввало, Божхона иттифоқининг истиқболлари юзасидан фикр алмашилгани маълум қилинди. Бу борада аъзо давлатларда кўрилаётган тайёргарлик ишлари сарҳисоб этилди.

Қайд қилинганидек, томонлар умумий энергетика бозорини шакллантириш борасида ҳамфикр. Хусусан, атом энергетикасини ривожлантиришда, Марказий Осиёда сув ресурсларидан унумли фойдаланишда ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилган. Маълумки, сувдан фойдаланиш масаласи «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилоти доирасида муҳокама қилинар эди. Ташкилотнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан қўшилиши кўрилаётган масалага янада кенгроқ кўламда ёндашиш имконини берди.

Сочи учрашувида Божхона иттифоқини тузиш ғояси амалиётга кўчгани маълум қилинди. Ҳозирча бу иттифоқ Россия, Беларусь ва Қозоғистон ўртасида амал қилади. Ҳамжамиятга аъзо бошқа давлатлар ўз қонунчилигини Божхона иттифоқига мослаштирганидан сўнг унга қўшилади.

Музокарада Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу икки тузилманинг Минскда ўтган аввалги саммити чоғида Ўзбекистон Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотидаги фаолиятини давом эттириши эълон қилинган эди. Сочи учрашувида Президентлар Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзолигини расман тасдиқловчи ҳужжатни имзоладилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов хавфсизликни таъминламай иқтисодиётни, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ўз қароргоҳида Украина Бош вазири Виктор Янукович қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Томонлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлисини ўтказишга, нефть-газ саноати соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ва Виктор Янукович Ўзбекистон билан Украина кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятларга эга эканлигини таъкидладилар. Масалан, Украинанинг Ўзбекистондаги нефть-газ конларини тадқиқ этишга қизиқиши бор. Томонлар сармоявий ҳамкорликдан ҳам манфаатдор.

Президентларнинг мазкур норасмий учрашуви Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.



Самоларинг сарҳади посбони ўзим!

Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БОБУРШОҲ САБОҚЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Мовароуннаҳр тарихини синчиклаб ўрганиш учун «Бобурнома» асари жуда қўл келади. Унинг саҳифаларидаги беҳисоб факт ва рақамлар гўё мураккаб тарихимизнинг киши қалбини ҳам ғурур, ҳам нафосатга тўлдиргани каби, Амир Темур вафотидан сўнг шаҳзода ва бекларнинг ўзаро қирғинбарот урушлари, яхлит, не машаққатлар билан қурилган мустаҳкам салтанатни шахсий манфаат боис майда султонлик ва бекликларга айлантиришни авло кўрган темурийзодаларнинг ўзаро низолари ва унинг мудҳиш оқибатлари кишида ички бир эътироз ва нафратнамо туйғунинг вужудга келишига сабаб бўлади.

1502-1503 йиллардаги воқеалар. Ёш шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд тахтини – отаси Умар Шайх мирзо маълум муддат салтанат этган тахтни эгаллаш ниятида уч марта қўлга олиб, тахтига ўтириб, учинчи марта ҳам ҳийлакор Шайбонийхон қамал қилиб, сунъий очлик ва қаҳатчилик туғдирганидан кейин бу дилбанд шаҳарни тарк этишга мажбур бўлган. Ва Тошкентга хон додалари ҳузурига ночор, ўзи таъкидлаганидек, «хейли қаллошлиқ ва ҳорлик тортилди, вилоят йўқ, вилоят умидворлиғи йўқ, навкар аксар тарқади; маъдудиким, қолиб эди, қаллошлиқтин менинг била юруй олмас эдилар» ҳолатда бўлиб, бош суқиб келади. Шунда бу бераҳм даврон ва ноаҳил султонзодалар ҳаракатидан нолиб:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим,

деб ўта тушкунлик, руҳий қийноқлик ҳолатига тушади.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ФОРМУЛА ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

(Окончание. Начало в предыдущем номере).

Как можно оценить качество экономического роста в Узбекистане? Естественно возникает вопрос: угрожает ли Узбекистану, богатому природными ресурсами, «голландская болезнь»? Насколько зависима наша экономика от экспорта сырьевых ресурсов и мировой конъюнктуры цен на них?

Здесь нелишне вспомнить, что решительные меры, предпринятые руководством страны еще в начале 90-х годов, когда цены на нефть были невысоки и грядущие проблемы не так очевидны, позволили увеличить производство нефти и газового конденсата в Узбекистане за 15 лет почти в 8 раз. Добываемые нефть и газовый конденсат Узбекистан не экспортирует в виде сырья, а полностью перерабатывает на своих нефтеперерабатывающих заводах, в том числе на вновь построенном за годы независимости Бухарском НПЗ. Продукты нефтепереработки в значительной мере потребляются непосредственно в республике, обеспечивая ее нефтяную независимость. Благодаря этому Узбекистан, хотя и не имеет возможности экспортировать значительные объемы нефтепродуктов, но и не несет прямого ущерба от резкого роста цен на нефть, который он мог бы иметь, если бы не были предприняты своевременные меры по развитию в стране нефтяного сектора.

(Окончание на 8-й стр.).

О ВИЗИТЕ ПРЕМЬЕР-МИНИСТРА ЯПОНИИ В УЗБЕКИСТАН

29-30 августа 2006 года по приглашению Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова нашу страну посетит с официальным визитом премьер-министр Японии Джунъичиро Коидзуми.

В ходе переговоров руководители двух государств обменяются мнениями по вопросам укрепления двусторонних отношений, обсудят актуальные международные проблемы, представляющие взаимный интерес, ситуацию в Центральной Азии.

По итогам переговоров предполагается подписание ряда двусторонних документов.

Муштарийларимизга

БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Мустақиллигимизнинг, энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 15 йиллик тантаналари шукуҳи кезиб юрган юртимизга қараб, ундаги бунёдкорона ўзгариш, янгиланишларга қараб, қалбларда ажиб ҳис-туйғулар жўш уради.

Лафзи ҳалол бободеҳқон – ҳатто тошда ҳам гул ундиришга қодир ўзбегим улкан ғалла хирмонини бунёд этиб, фаровонлигимиз, ободлигимизни янада мустаҳкамламоқда. Ўз ғалласи, ўз нони бор ўзбекнинг хонадонида бугун тўйлар, тантаналар садоси янграётганига бир қулоқ тутинг-а.

Йўл қуриб, кўприк қуриб, манзилимизни яқин қилаётган, эзгу, хайрли ишларга сабаб бўлаётган бунёдкорларимиз заҳматини кўриб, кўз қувнайди. Улар сабаб машаққатли довонлар-да забт этилмоқда.

Талабалик сафига қабул қилинган йигитнинг, қизнинг кўзларига боқинг. Президентимиз фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак, дея айнан шуларга қарата айтган-да. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида, замонавий таълим масканларида юксак билимларни эгаллашган ёшларимиз буюк аждодларимиздек юлдузларни бенарвон уришга шай, бугун. Умуман олганда, ҳар юрак, ҳар қалб яратувчанлик, бунёдкорлик ҳисси билан яшаётганини ҳис қиласиз, илғайсиз. Хўш, буларнинг замирида нима ётибди, дея ўз-ўзимизга савол бериб кўрайлик.

Аввало бундайин фаровонлигимиз, ободлигимиз, равнақимиз замирида тинчлик-осойишталик ётишини таъкидламасак-да яхши биламиз. Демак, ғаллакорнинг уйган осмонўпар хирмонида, бунёдкорнинг кўзини қувнатувчи иншоотларида, ёшларнинг ақлу заковатда дунёни лол қолдиришга бўлаётган интилишида тинчлигимиз ҳимоячилари бўлган Ватан посбонларининг беқиёс хизмати бор.

Таъкидлаш жоизки, она юртимиз ҳимоячилари бу юксак, бу масъулиятли вазифани юракдан ҳис қилишиб, доимо сарҳадларимизда ҳушёр, сергак туришади. Истиқлол айёми арафасида ҳам улар жанговар шайликларини янада ошириб, ўқув мавсумининг навбатдаги машғулотларига шижоат билан киришишган.

Мустақиллик сабаб амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий армиямизни посбонларимизнинг иродасини тоблайдиган, оила ва зиё масканида олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат руҳида тарбиялайдиган мактабга айлантирган. Ушбу ҳаёт мактабини ўтаган мардларимизга таянишимиз, суянишимиз мумкин.

Келажагимиз, буюк истиқболимиз йўлида фидойилик кўрсатаётганлар, Ватан ҳимоясига кўксини қалқон қилаётганлар, демакки халқига, Президентига содиқ қолиб, Ўзбекистонимизнинг нурли истиқболини, мустақиллигини ҳимоя қилаётганларни баралла фахр, ғурур билан бугунимиз қаҳрамонлари, дея айтишимиз мумкин.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



«МЕН ИСТИҚЛОЛ АСКАРИМАН!»

Мени ҳарбий лицейга, қасамёд кунига таклиф этишди. Бажонидил рози бўлдим. Ўзини мардона ишга бағишлаган, ёш бошидан Ватан ҳимоячиси деган масъулиятни зиммасига олган укаларимни кўриш, танишиш ижодкор сифатида ҳам менга қизиқ эди. Дарвоза олдида чақмоқдек кийимлари ўзига ярашиб турган навбатчи сержант биз билан ҳарбийча саломлашиб, ичкарига таклиф қилди.

Лицей ҳовлисининг озодалиги, батартиблиги интизомдан дарак берар, кўнгилга сурур бахш этарди. Плацга соя солиб турган асрий чинорларга қараб, бир фикр хаёлимдан ўтди: балки бу азим дарахтлар Тошкент истилосига, пароканда хонликлар инқирозига, «мозийнинг энг кир ва қора кунлари»га гувоҳ бўлгандир. Эҳтимол, улар ҳам шу тупроқ фарзанди сифатида бугунги озод ва умидбахш даврдан мағрур қад кериб тургандир.

Саксонинчи йилларнинг охирларида Томск шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаганман. Шўро машинаси чириб, таназзулга юз тутаётган ҳамма жойда хўжасизлик ва ёлғон авж олган кезлар. Бизнинг чекимизга тушган қисм ички қўшинларга тегишли бўлса-да, тартиб-интизом деган нарсага мутлақо бегона эди. Миллатчилик, зўравонлик оддий ҳол бўлиб, Устав латифага айланган, командирлар ароқхўрликка муккасидан кетганди.

(Давоми 8-бетда).



2 «ЭНГ ИЛҒОР БАТАЛЬОН КОМАНДИРИ»

ЮРАГИДА ЎЗБЕКИСТОНИ УЙҒОҚ



3 РОСТУ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА – ПОВЫШЕННОЕ ВНИМАНИЕ

КОМПЬЮТЕР НА СЛУЖБЕ ЗЕНИТЧИКОВ



4 ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

МАСЪУЛИЯТ ЮКИНИ АНГЛАБ



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ

ТЕАТР – ҚАЛБИМ ГАВҲАРИ

КРЫЛАТЫЙ ЩИТ НАШЕЙ РОДИНЫ

Достойно встречают профессиональный праздник – День воздушного флота и приближающуюся дорогую для всех нас дату – 15-ю годовщину независимости Республики Узбекистан – представители Военно-Воздушных Сил. Личный состав ВВС в боевом содружестве с подразделениями Войск ПВО страны надежно обеспечивает защиту воздушного пространства нашей Родины.

Экипажи воздушных судов, бороздящих просторы «пятого океана», активно участвуют в соревновании в Вооруженных Силах, проходящем в этом учебном году под девизом: **«Быть ответственным и компетентным, надежным защитником Родины – долг каждого военнослужащего!»**.

Для них понятия ответственности и компетентности в первую очередь выражены в обеспечении безопасности полетов, безаварийной эксплуатации летательных аппаратов, качественном выполнении полетных заданий. В этом деле огромную помощь летному составу оказывают представители наземных служб – от метеорологической и до подразделений охраны и аэродромного обслуживания. Ратный труд сотен людей направлен на то, чтобы самолеты и вертолеты взмывали в небо в целях выполнения учебно-боевых задач и благополучно возвращались на аэродромы базирования. Высокий профессионализм людей, управляющих всеми видами имеющихся на вооружении воздушных судов отечественных ВВС, является надежной порукой тому, чтобы наше небо было всегда мирным и свободным. Также весомый вклад в это вносят зенитные ракетные и радиотехнические подразделения, охраняя воздушные рубежи от всяческих посягательств.

«Энг илғор батальон командири»

ЮРАГИДА ЎЗБЕКИСТОНИ УЙҒОҚ

Подполковник Ҳакимжон Сатилов билан Қуролли Кучларимиз 14 йиллиги «Туркистон»да катта тантана билан нишонланаётганда танишдим. Бироз суҳбатлашиб, унинг камтар, камсуқум эканини илғадим. Офицерликдек шарафли касб билан фахрланишини, ғурурланишини қўзларидан билиб олдим.

Подполковник Сатилов Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» танловининг «Энг илғор батальон командири» номинациясида ўзи хизмат қилаётган қўшин турида ғолиб чиққани сабабли тантанада тақдирланди. Бу улкан ютуқ билан уни ўша ҳаяжонли лаҳзаларда табриклар эканман, «юртим, истиқлолим ҳимоясига ҳамиша камарбастаман», деди.



Истиқлол айёмининг 15 йиллик тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда бу офицер командирлик қилаётган дивизионга бордим. Дивизион ҳудудига кирганимиздаёқ алвон гуллар эътиборимизни тортди. Мевали, манзарали дарахтларни айтмайсизми. «Қойил-э, ҳаво сарҳадларимизни ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифадан ортиб, шундайин ободонликка эътибор қаратишаётган посбонларимизга», дедим ичимда. Бундайин эзгу ва хайрли ишларга бош-қош бўлиш учун одамнинг юрагида бунёдкорона бир руҳ бўлиши керак. Бу билан қаҳрамонимизнинг яна бир хусусиятини — қалби яратиш, яшнатишдек туйғуларга тўла асл ўзбек эканлигини кашф этдим.

Подполковник Сатилов посбонларга ёзги ўқув мавсумининг навбатдаги машғулоти қандай ўтилаётганини назорат қилаётган экан. «Командиримиз жамоанинг жанговар тайёргарлиги, посбонларимизнинг интизоми, ички ва қоровуллик хизматини қай даражада ўташларини мунтазам назорат қилади. Бизга ҳам бу борада йўл-йўриқлар беради», деди батарея командири катта лейтенант Улуғбек Ҳакимов.

Таъкидлаш жоизки, қаторасига беш йил офицер Сатилов хизмат қилаётган дивизион қисмда биринчи ўринни олиб келмоқда. «Кўчма вимпель ҳам кўчмас бўлиб қолган экан-да», дейман командир хонасида осиғлик турган вимпелга ишора қилиб. «Аҳил жамоамиз шарофати билан. Масалан, офицеримиз капитан Шуҳрат Эшқобилов мусобақанинг «Энг илғор гуруҳ командири» номинацияси қуйи босқичларида биринчи ўринни эгаллади. Фақат якуний босқичда омад бироз юз ўгирди. Ана шу натижа ҳам сафимизда ҳарбийликни ҳаётининг мазмуни деб биладиган, Ватан ҳимоясини шарафли бурч санайдиган йигитлар хизмат қилишини кўрсатади», дейди бунга жавобан командир.

Суҳбатимиз давомида подполковник кўпроқ посбонлари ҳақида сўзлади. Уларнинг ютуқларидан фахрланишини билдирди. Майорлар — Олим Ражабов, Анвар Тешабоев, капитанлар — Шавкат Ҳамидов, Баҳодир Қулматов, катта лейтенант Улуғбек Ҳакимов, кичик сержант Жаҳонгир Султонов, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Фарҳод Неъматов, Шавкат Аҳмедов, оддий аскарлар — Аслиддин Қосимов, Билол Тожибоев, Акром Суюндиқов, Азиз Эргашев, Бахтиёр Мамажоновларни бирбир санаб ўтди. Қўйиб берсанг, ҳар бир посбони хусусида, уларнинг характери, ютуқлари хусусида сўзлайди. Бу улар билан ўтадиган индивидуал суҳбатлар натижаси. Бу шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги ва тарбиясига, жамоани моҳирона бошқаришга улкан эътибор қаратишдан. Шунинг учун ҳам командир посбонларининг жанговар шайлиги борасида ишонч билан сўзлай олади.

– Истиқлолнинг 15 йиллиги ҳамда ҳаво флоти куни муносабати билан волейбол бўйича мусобақа ўтказяпмиз. Мақтанишга йўйманг-у, шунқорларимиз фақат ғалаба учун майдонга тушишади, – деди подполковник Сатилов.

Танлов ғолибининг компьютер билан тақдирланганини биламиз. Хонадонига борганимизда фарзандлари ҳам бу «ақлли» техникадан моҳирона фойдаланишини кўрдик. Айниқса, ўғли Дониёр компьютер устаси бўлиб кетган. Тўнғич ўғил Дилшод эса ҳарбий оркестр отлиғида армия ҳаётини ўрганишга қунт қилмоқда. «Ёши 14 да. Келажакда офицер бўламан, мустақил равишда ҳарбий ҳаётни ўрганай, дея августнинг бошидан оркестрда», деди Ҳакимжон ака фахр билан. Қизи Мадина ҳам аъло баҳоларга ўқияпти. Оила бекаси Соҳиба опа шартнома бўйича хизмат қилган. Шу сабаб соҳанинг оғиру енгилини ҳис қилади. Командирга муносиб елкадошлиги шундан.

Ҳарбий жамоада ҳам, оилада ҳам ибрат мактабини яратган бу офицер Мустақилликнинг 10 йиллигида эсдалик нишон билан тақдирланган. Ҳали бугуннинг офицери забт этажак довонлар кўп. Юрагида Ўзбекистони, унинг тинчлик-осойишталиги ҳимоясига камарбаста бўлишдек туйғу уйғоқ ўғлонлари бор экан, осмонимиз мусаффо бўлаверади.

Лидеры соревнования

С ЗАБОТОЙ О ВОИНСКИХ ПАССАЖИРАХ

Большая работа по обеспечению воздушных перевозок в интересах Вооруженных Сил ложится на плечи представителей военно-транспортной авиации (ВТА). Они не атакуют истребители условного противника в воздушном бою, не бомбят его наземные цели. Они доставляют военные грузы и личный состав различных подразделений в нужное время и в нужное место. Однако именно точность и гарантия качества полетов являются «визитной карточкой» ВТА, занимающей достойное место в строю.



Возвращаясь из командировок по самым отдаленным гарнизонам, не перестаешь восхищаться самоотверженным трудом военных авиаторов. Ведь благодаря их небесной работе наши коллеги нигде не чувствуют себя оторванными от «большой земли». По первой же команде стальные птицы поднимутся в синеву и доставят военных туда, куда нужно. Зимой и летом, днем и ночью, даже в сложных метеоусловиях военные летчики готовы к качественному обслуживанию воинских пассажиров.

Командира экипажа самолета АН-12 майора Тоира Мирзаахмедова по праву называют одним из лидеров коллектива. Военный летчик 2-го класса налетал свыше 1400 часов в небе. Под стать опытному воздушному асу и его экипаж. Штурману капитану Шавкату Усманову не составляет особого труда прокладывать маршруты в небесных просторах, ведь за время службы куда только не приходилось ему летать! Наряду с выполнением воинских перевозок в интересах Вооруженных Сил экипажу нередко приходится заниматься и выброской десанта. И тут всегда готов обеспечить качественное выполнение этой сложной работы бортовой техник по авиационному десантному оборудованию капитан Акмаль Уракбаев, показывающий пример сослуживцам. Вот и недавний выпускник Джизакского высшего военного авиационного училища (ДВВАУ) лейтенант Арсен Аракелян был принят в коллектив авиаторов, успешно освоив должность помощника командира корабля.

Передовой экипаж, занимающий одно из лидирующих мест в состязании на звание лучшего в части, вносит свой весомый вклад и в подготовку достойной смены авиаторов. Курсанту четвертого курса инженерного факультета ДВВАУ Каримжону Шавманову и его товарищам, проходящим здесь войсковую стажировку, несказанно повезло. По словам Каримжона, группе будущих офицеров, распределенных по подразделениям, оказывается всесторонняя помощь и поддержка в освоении программы стажировки.

Вот так, проявляя максимум заботы о воинских пассажирах, а также о соблюдении преемственности устоявшихся традиций, самоотверженно трудится в небе экипаж самолета АН-12. В военной авиации есть одна незыблемая традиция. Если на борту воздушного судна находился представитель вышестоящего командования, командир экипажа сразу же после приземления докладывает ему о посадке со словами: «Разрешите получить замечания». Так вот данному экипажу очень часто приходится слышать в ответ: «Спасибо за мягкую посадку, без замечаний». Эта сдержанная похвала является высокой оценкой труда не только самих летчиков, но и всех людей, кто готовил самолет к вылету, во время полета непрерывно поддерживал с ним связь, обеспечивал удовлетворительное состояние взлетно-посадочной полосы аэродрома. Это одна оценка на всех, цена слаженности и согласованности усилий многих и многих людей, в чьем сердце живет любовь к небу.

В подразделениях обеспечения

ИХ РАБОТА ТРУДНА ...

Эти слова вполне применимы в отношении группы авиационного вооружения и десантного оборудования вертолетной части, где служит младший сержант Санжарбек Икрамов.

Военнослужащие во главе со старшим лейтенантом Муродулло Юлдашевым производили зарядку машин неуправляемыми авиационными ракетами (НАР). Предстояли полеты на полигон с боевым применением.

Уже над полигоном, когда наш вертолет буквально встряхнуло в небе от ракетного залпа, вспомнилось, с какими предосторожностями младший сержант С.Икрамов распаковывал ракеты и устанавливал их на вооружении боевой машины. Да, взрыв такой силы в неподходящем месте мог бы натворить немало бед... Но укрощенная умелыми руками специалистов по вооружению ракета вылетела, точно поразив учебную цель.

Так что после возвращения на аэродром базирования старшему технику вертолета старшему лейтенанту Александру Тарновецкому осталось от имени экипажа поблагодарить сослуживцев из подразделения обеспечения. Сработали они, как всегда, добросовестно! Эта уверенность в высоком профессионализме товарищей придает сил авиаторам в учебном воздушном бою. Вертолетчики знают – таящаяся в ракетах грозная боевая мощь именно в требуемый момент со всей полнотой проявит себя, заложив основу для победы.



Одним из важнейших элементов обеспечения безопасности полета является постоянная и надежная связь экипажа с наземными службами. В экипаже самолета АН-26 под командованием майора Шарифжона Салимохунова эта ответственная работа возложена на бортового радиста сержанта Уктама Розумбетова.



Сержанты – становой хребет армии

НА ВОЛНАХ УСПЕХА

Опытный профессионал с честью справляется с возложенной задачей, уверенно занимая лидирующие позиции в состязании на звание лучшего сержанта воинской части. Вообще, акцент на состязательности, гласности подведения промежуточных и окончательных итогов соперничества давно и прочно стал важным стимулом для профессионального роста офицеров и военнослужащих по контракту.

Если для бортового авиационного техника капитана Азиза Уринбаева первостепенной является бесперебойная работа всей сложной радиоэлектронной техники, находящейся на вооружении самолета, то бортовой радист отвечает за радиосвязь с землей. Эта узкая специализация позволяет военному профессионалу полностью сконцентрироваться на вверенном участке служебно-боевой деятельности.

Одним из главных ее элементов является соблюдение режима секретности обмена информацией борта с наземными службами. Радиоэфир насыщен пользователями, которым вовсе не обязательно знать маршрут следования и задачи, выполняемые экипажем военного самолета. Используя особую систему ведения переговоров, опытный радист умело защищает всю эту информацию от лишних ушей.

С тех пор как человек научился использовать радиоволны для приема и передачи сообщений, в эфире постоянно ведется своего рода информационное противоборство, цели которого – перехват сообщений и создание активных помех для их отправки адресату. Поэтому радист всегда находится в готовности перейти на заранее обусловленную запасную частоту, чтобы никакие естественные или искусственные помехи не помешали непрерывной связи с наземными службами.

Таким образом, в успешном выполнении полетных заданий экипажем самолета АН-26 есть и весомая лепта бортового радиста сержанта Уктама Розумбетова, на волнах успеха стремящегося к победе в соревновании на звание лучшего сержанта части.

Забота о тыле – забота о боевой готовности

СЕРВИС – НА ВЫСОКОМ УРОВНЕ

Кочевая жизнь летного состава устроена так, что завтракать экипаж может у себя в части, обедать сядет уже в другом конце страны, а на ужин его встретят совсем в противоположном. Такова специфика их ратного труда. Своеобразной компенсацией за это являются приветливые улыбки работников тыла и разнообразие меню в летных столовых.

Посетители летной столовой, где заведующей Л. Туракулова, всегда с особым чувством приходят сюда. Любовь Александровна стремится не только гарантировать обилие вкусных блюд на столе, но и почти по-домашнему уютную обстановку в помещении, вежливое и предупредительное отношение к прибывающим подкрепиться летчикам.

Вот и официантка Людмила Янова, грациозно подавая к столу поднос со свежими ломтями нарезанного арбуза, приветливо улыбается пилотам, предвкушающим удовольствие от утоления жажды сочной мякотью. В летнее время фрукты и овощи, бахчевые, все разнообразие даров садов и огородов подается к столу военнослужащих. В рационе питания, четко сбалансированном по всем медицинским требованиям, есть и витаминные добавки в чистом виде.

Впрочем, по-другому и быть не должно. Ведь летному составу, переносящему большие перегрузки, требуется усиленное питание, чтобы возместить немалые затраты энергии. Вкусная и калорийная еда в комплекте с радушным приемом в столовых придают авиаторам новых сил для того, чтобы вновь поднимать в синеву воздушные корабли.



Материалы полосы подготовили майоры Аблай КАМАЛОВ и Алижон САФАРОВ, служащие Камолиддин ТУРАЕВ и Тимур КАРИМОВ (фото), корр. «Ватанпарвара».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда минтақада ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга, мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашишга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда 2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда рўй берган фожиали воқеаларнинг тергови ва суд жараёнларининг якунлари кўриб чиқилди. Республика маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прокуратура ва хавфсизлик хизматлари органларининг ушбу воқеалардан келиб чиқадиган аниқ вазифалари белгиланди.

Маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳарбийлашган тузилмалар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шарти бўлган республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини ҳал қилиш, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши кураш самарадорлигини ошириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг жанговар тайёргарлик режасига мувофиқ ўтказилаётган ва Қуролли Кучларнинг қўшилма ва қисмлари шахсий таркиби жанговар маҳоратини янада такомиллаштириш, бошқарув органлари ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган тезкор-тактик машқларнинг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди, тегишли вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар берилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2006 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2007 йилга солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари муҳокама қилинди. Таклиф этилаётган солиқ концепциясига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ўсиш устуворликлари ва барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари балансларининг таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш асос қилиб олинган.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилган 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳаси қуйидаги принциплар асосида ишлаб чиқилган:

Биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларга мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашувчи солиқ юкини камайтириш.

Олдинги йилларда ушбу сиёсат изчил амалга оширилиши иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди. Фақат 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида солиқ юкининг пасайтирилиши корхоналарнинг молиявий ресурсларини 126 млрд. сўмдан ортиққа кўпайтирди. Бу эса инвестицияларни кенгайтириш, ўз айланма маблағларини тўлдириш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни кўпайтириш учун муҳим қўшимча манба бўлиб хизмат қилди. Жумладан, корхоналарнинг капитал қўйилмалари ҳажми 2006 йилнинг I ярим йиллигида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан реал ҳисобкитобларга кўра 26,8 фоизга ўсди. Бюджет даромадлари қисқармади, балки иқтисодиётнинг реал ўсиши ҳисобига кўпайди.

Муҳокама қилиш учун киритилган 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳасида солиқ ставкаларини янада сезиларли даражада пасайтириш, хусусан:

юридик шахсларнинг фойдасига (даромадига) солинадиган солиқ ставкасини 12 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Ҳисоб-китобларга кўра, бу фақат 2007 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, кенгайтириш ва ходимларнинг иш ҳақини ошириш учун корхоналарга ўз ихтиёрида қоладиган фойда (даромад)ни камида 37 млрд. сўм миқдорида кўпайтириш имконини беради;

ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кўпайтириш ва унинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратади;

ягона ижтимоий тўловни 25 фоиздан 24 фоизгача пасайтириш таклиф қилинади. Бу меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкини камайтиради ва тегишли равишда ходимларнинг иш ҳақини ва ижтимоий нафақалар тўловини ошириш учун корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар суммасини кўпайтиради.

Таклиф этилаётган концепция лойиҳасида илгари қисман солиқ солинадиган телекоммуникация хизматлари учун тўлов ва реклама харажатлари сингари харажатлар учун юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни солиқ солинадиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташлаш тадбиркорлик субъектларининг амалий фаоллигини рағбатлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларга кириб боришига йўналтирилган.

Юқори тоннажли юк автотранспорт воситаларини, кўп ўринли автобусларни, махсус автомобилларни харид қилиш ёки вақтинча олиб келиш учун йиғим миқдорини 20 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш кўплаб ишлаб чиқариш, транспорт ва туристик корхоналарга ўз автотранспорт воситалари паркини янгилашни жадаллаштириш имконини беради.

Иккинчидан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромадини ошириш. Тақдим этилган лойиҳада даромад солиғининг солиқ солинадиган базаси қуйи шкаласини 13 фоиз даражасида сақлаб қолган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача даромад олинганда ўртача шкалани 20 фоиздан 18 фоизгача ва энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ даромад олинганда юқори шкалани 29 фоиздан 25 фоизгача камайтириш назарда тутилган. Бу аҳоли даромади ўсишида бевосита акс этади.

Учинчидан, ресурс солиқлари улушини кўпайтириш билан бир вақтда тўғри солиқлар улушини босқичма-босқич пасайтириш ҳисобига давлат бюджетининг даромад қисми таркибини ўзгартириш учун уларни тегишли равишда индексация қилиш назарда тутилмоқда. Бу табиий ресурслардан ва ер-сув ресурсларидан фойдаланишга оқилона муносабатда бўлишни рағбатлантириш имконини беради.

Айни бир вақтда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда нефть-газ секторида корхоналарнинг рентабеллигини ошириш учун ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини нефть қазиб олишда 35 фоиздан 20 фоизгача, газ конденсати қазиб олишда 32 фоиздан 20 фоизгача ва табиий газ қазиб олишда 58 фоиздан 30 фоизгача пасайтириш, шунингдек, бензинга акциз солиғи ставкаларини 45 фоиздан 28 фоизгача, дизель ёқилғисига – 40 фоиздан 25 фоизгача ва авиация керосинига – 20 фоиздан 8 фоизгача камайтириш таклиф этилмоқда.

Тўртинчидан, солиқ солиш тизимини, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг айрим турларини ҳисоблаш чиқиш механизми ва тўлаш тартибини энг кўп даражада бирхиллаштириш ва соддалаштириш.

Замонавий савдо тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, кўрсатиладиган савдо хизматлари сифатини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда, бориш қийин бўлган ва тоғли аҳоли пунктларида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини жорий этиш таклиф қилинади. Ҳозир мавжуд бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бешта тури ва уларни ҳисоблаб чиқишнинг анча мураккаб тизими ўрнига товар айланмасидан ягона солиқ тўловини жорий этиш: аҳоли сони 100 мингдан ортиқ кишини ташкил этадиган шаҳарларда савдо корхоналари учун – 5%, қолган аҳоли пунктларида – 3%, бориш қийин бўлган тоғли аҳоли пунктларида эса – 1% ставкали ягона солиқ тўловини жорий этиш таклиф қилинади.

Бешинчидан, солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатлари даражасидан, солиққа оид текширишлар очиқ-ошкора ўтказилишини таъминлашдан келиб чиқиб, солиққа доир текширишлар сонини янада қисқартириш ва солиқ текширувлари тизимига ўтиш йўли билан маъмурий тартибда солиқ ундиришни такомиллаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида солиқ юкининг камайтирилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли ўсиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллиги ошиши ва аҳолининг реал даромадлари янада ўсиши қайд этилди. Бунда бюджетнинг потенциал йўқотишлари иқтисодиётнинг ўсиши билан таъминланган солиқ тушумлари кўпайиши, солиқ тўламаслик ҳолатларининг камайиши, солиқ йиғиш даражаси ошиши ва солиқ солинадиган база бир қисмининг «хуфёна сектор»дан чиқарилиши ҳисобига қопланади.

2007 йилга назарда тутилган солиқ сиёсати чора-тадбирлари қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларга – ялпи ички маҳсулотнинг 7,7% реал ўсишига, саноат тармоқларининг камида 10 фоизга жадал ўсишига, инвестициялар ҳажмининг 8 фоизга кўпайишига, инфляция даражасининг 5-7% доирасида сақланиб қолишига, аҳолининг реал даромадлари 17 фоизга ошишига эришиш учун мустаҳкам асос яратиш имконини беради.

Кун тартиби юзасидан сўзга чиққан марказий иқтисодий ва молиявий идоралар, йирик корхоналар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари 2007 йилга солиқ сиёсати концепциясининг асосий қоидаларини муҳокама қилишда фаол қатнашдилар ва солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш юзасидан назарда тутилган чора-тадбирларга ижобий баҳо бердилар, ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг ўсиши, солиқ тўловчилар даромадининг кўпайиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун унинг рағбатлантирувчи аҳамияти кучайишини алоҳида қайд этдилар.

Бу йил келгуси йилга солиқ сиёсати август ойидаёқ ишлаб чиқилганлигини қайд этиш зарур. Солиқ солишнинг янги шартлари билан олдиндан танишиш имконияти ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини режалаштириш нуқтаи назаридан хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорларнинг кенг қатламлари учун айниқса муҳимдир.

Муҳокама натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йилга солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини маъқуллаш ва 2007 йилга давлат бюжети лойиҳасини тайёрлашда асос сифатида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎзА.

Росту профессионализма – повышенное внимание

КОМПЬЮТЕР НА СЛУЖБЕ ЗЕНИТЧИКОВ

В эти дни и воины зенитно-ракетных подразделений активно участвуют в соревновании на звание лучшей части в составе Сухопутных войск Вооруженных Сил страны. В частности, в повышение боевой выучки личного состава весомый вклад вносят инструкторы компьютерных тренажеров, обученные на сборах в Чирчикском высшем танковом командно-инженерном училище (ЧВТКИУ).



Работа военнослужащих, задействованных на данных сборах, получила высокую оценку руководства нашего ведомства. Так, преподаватель кафедры боевого применения зенитных ракетных войск капитан Дмитрий Белов и старший техник этой кафедры младший сержант Умурбой Сураббоев соответствующим приказом награждены Памятным знаком министра обороны.

– Учебно-материальная база ЧВТКИУ позволяет на высоком уровне организовывать проведение подобных мероприятий в масштабе Вооруженных Сил, – подчеркивает капитан Д. Белов. – На сборах обучаемые инструкторы смогли поработать на панорамном комплексном тренажере переносного зенитно-ракетного комплекса (ПЗРК), полевом тренажере ПЗРК, учебно-практическом тренажере. Кроме того, им была предоставлена возможность прочувствовать эффект от имитации выстрелов по реальным целям в реальных условиях.



Капитан Д. Белов закончил это же училище и сначала проходил службу в Северо-Западном военном округе. Через несколько лет он снова вернулся сюда, обогащенный служебным опытом в воинском подразделении. У старшего техника кафедры младшего сержанта Умурбоя Сураббоева за плечами также солидный опыт службы в зенитно-ракетных подразделениях.

Вообще, коллектив кафедры боевого применения ЗРВ, возглавляемый подполковником Абдували Узаковым, не просто умело эксплуатирует учебные тренажеры, но и серьезно работает над их усовершенствованием. Например, преподавателем кафедры подполковником Махмудом Саримсаковым и теперь уже выпускником лейтенантом Шавкатом Хусановым изобретен цифровой индикатор для определения высоты цели.

– На тренажере нынешнем отражается угол места, азимут, дальность цели, а высота полета не указывается, – рассказывает подполковник М. Саримсаков. – На это обратил внимание любознательный курсант. Нами и был разработан новый прибор, цифровой индикатор, который опробован на тренажере, имитирующем боевую машину. Конечно, его надо еще испытать в реальных условиях, но стремление к поиску нового у этого молодого человека достойно всяческих похвал.

В эти дни лейтенант Ш.Хусанов имеет возможность уже в деле испытать детище своей инженерной мысли, ведь он приступил к самостоятельной офицерской службе в Восточном военном округе. Вообще, активное внедрение в боевую подготовку войск последних достижений информационных технологий – веление времени. В этом позиция командования ЧВТКИУ, где компьютеры поставлены на службу курсантов, достойна подражания.

Майор Баходир УТАНОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

МИРЗАЧЎЛДА БЎСТОН ЯРАТГАН

Ўзбекнинг бунёдкорлигини, ҳатто тошда ҳам гул ундиришга, саҳрода ҳам бўстон яратишга қодирлигини биргина Сирдарё вилояти мисолида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Айниқса, мустақиллик сабаб йилдан-йилга ўзгача чирой очиб бораётган вилоятга, унинг шаҳар, қишлоқларига қадам ранжида қилар экансиз, Мирзачўлдаги бу ажиб бўстоннинг уфоридан баҳраманд бўласиз. Мазкур мақоламизда эса Сирдарёнинг қисқача тарихи, бугуни ва истиқбол йўлида ташлаётган дадил «одими» ҳақида баҳоли қудрат ҳикоя қиламиз.



Маълумотларга кўра, Сирдарё вилояти ҳудуди илк бор алоҳида ўлка сифатида Хитой солномаларида эътироф этилиб, Уструшона дея номланган. Қадимги вилоят аҳолиси асосан сой ва чашмалар бўйларида воҳа-воҳа бўлиб ҳаёт кечиришган. Вилоят ҳудудида Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Муғолсой, Тагобсой, Сармичсой каби сув манбалари бўлгани шундан гувоҳлик беради.

Қадимги юнон тарихчиси Аррианнинг «Искандарнинг ҳарбий юришлари» асари кўҳна Сирдарё ҳақида маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур асарда Сирдарё Танаис, Яксарт номлари билан аталган. Аҳоли ўтроқ, ярим ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчига бўлинган. Ўтроқ аҳоли таркибига асосан ўзбеклар кириб, улар деҳқончилик, ҳунармандлик ва савдо билан шуғулланишган.

Президентимиз Ислом Каримов Сирдарёнинг меҳнаткаш, бағрикенг халқи ҳақида тўхталиб, шундай деган эди: **«... Шу заминда меҳнат фаолиятини бошлаган, деҳқончилик тажрибаларини бойитган, қуруқ ернинг ўзига хос деҳқончилик мактабини вужудга келтирган номдор кишилар воҳа шоншавкатини кўтаришган, ўзбек деҳқончининг тадбиркорлигини, беқиёс куч-қудратини намойиш этган».** Ҳа, бундайин матонатли, синовларда тобланган халқ истиқлолга эришилган йилларда янги-янги довонларни забт этиш йўлида жавлон уришиб, улуғвор ишларни амалга оширишмоқда.

Мустабид тузум даврида вилоят ҳам республикамизнинг бошқа гўшалари сингари хомашё базасига айлантирилганди. Тўғри, завод, корхоналар бор эди. Бироқ улар аҳоли эҳтиёжи, манфаатидан кўра пахта сиёсатига хизмат қилишга мўлжалланганди-да. Яъни пахтани қайта ишлаш, қабул қилиш ёки тракторларни таъмирлаш корхоналарини назарда тутяпмиз. Бугунги кунга келиб эса вилоятда хорижий сармоядорлар иштирокида 51 та қўшма корхона ташкил этилиб, улар вилоят, аҳоли фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда. Шулар қаторига Россия – Ўзбекистон ҳамкорлигидаги «Туркистон – С» корхонасини, Чехия билан ҳамкорлигимиздаги «Лечива» фармсаноат қўшма корхонасини, ип-калава ва тиббиёт докаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сайхунмедтекс», трикотаж буюмлари ишлаб чиқараётган «Лола модел» каби қўшма корхоналарни киритиб ўтиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги қўшма корхоналар 13,9 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришган. Шу эмасми, мустақилликнинг бизга берган имкониятлари, қўш қаноти?!

«Истиқлолдан то бугунги кунгача 15 йил ўтди. Эҳтимол, кимдир кейинги йилларда Гулистонга меҳмон бўлиб келган бўлса, уни танимай қолиши ҳам мумкин. Кенг ва равон кўчалар, хиёбонлар, боғ-роғлар, болалар учун мўлжалланган катта ва кичик ўйингоҳлар, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, теннис кортлари шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Шаҳарни қайта қуриш даврида йилига мамлакат бюджетидан 13–15 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шу тариқа янги банк, турар-жой бинолари, қўшма корхоналарнинг муҳташам кошоналари, тез тиббий ёрдам маркази, колизей ва бошқа кўплаб иншоотлар қад кўтарди»,– дейди «Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими раиси, «Элюрт ҳурмати» ордени нишондори Абдусаттор Муҳамедов.

Дарҳақиқат, вилоятдаги бунёдкорликларни, янгиланишларни ҳаяжонсиз сўзлаб бўлмайди. Масалан, сўнгги 5–6 йил ичида вилоятда бунёд этилган 500 га яқин катта-кичик стадионларни олайлик. Бу соғлом авлодни тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш йўлидаги устувор мақсадларимиздан озиқланаётган эзгу ишлардир, дея баралла айтишимиз мумкин.

Фарзандларнинг замон талаблари асосида таълим-тарбия олишларига ҳам вилоятда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни кейинги йиллар давомида қуриб, фойдаланишга топширилган 30 га яқин лицей, коллеж ва фанларни чуқур ўзлаштиришга ихтисослаштирилган таълим масканлари мисолида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Вилоятдаги 31 та касб-ҳунар коллежи йўналишларидан келиб чиқиб, 91 та корхона ва ташкилот касб-ҳунар коллежларига бириктириб қўйилди. Гулистон ва Янгиер тиббиёт коллежларига жами 223 минг АҚШ доллари миқдорида тиббиёт асбоб-ускуналари ва замонавий компьютер жиҳозлари олиб келинди.

Кейинги пайтларда вилоятда хусусий сектор улуши кенгайиб бориши натижасида кичик ва ўрта бизнес, фермерлик ҳаракати ривожланмоқда. Бу эса фаровонликнинг ортишини таъмин этаётир. Масалан, 2005 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 114,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 113,7, саноат маҳсулотлари 100,2 фоизга ўсган. Айни пайтда Сирдарёда 13 мингга яқин кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган.

Сирдарёликлар нафақат вилоятда, республикада, балки Ўрта Осиёда йирик иншоот саналувчи Сирдарё иссиқлик электр станцияси билан ҳақли равишда фахрланишади. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр қувватининг қарийб учдан бир қисмини етказиб берувчи мазкур ГРЭС истиқлолга эришилгандан кейин техник жиҳатдан янада қайта жиҳозланиб, мамлакатимиз иқтисодиёти гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда.

Бундан чамаси 13 йил муқаддам Ҳиндистонда бўлганимда Шастрининг ўғли билан суҳбатлашиб қолгандик. У Ўзбекистонга тез-тез келиб туришини, айниқса юртига қайтаётганида мазаси тилни қирқ ёрувчи Сирдарё қовунидан бир жуфт олмасдан кетмаслигини мароқ билан сўзлаганди. «Мирзачўл қовуни нафақат қуёш тафтида, балки ўша замин одамларининг, заҳматкаш инсонларининг меҳри, муҳаббати тафтида пишган-да», дегим келди, унга. Ҳа, улкан ишлаб чиқариш имкониятларига, бой деҳқончилик ресурсларига, саноат ва қурилишнинг улкан тажрибасига, энг муҳими иродали, матонатли халққа эга бу вилоятнинг порлоқ келажак йўлидаги одимлари янада самарали бўлажак.

Толмас ҚУРБОНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

САРҲАДЛАРДА СЕРГАК, ҲУШЁР ЎҒЛОНЛАРИМИЗ

Халқаро терроризм, диний экстремизм одамларнинг ҳаловатини ўғирламоқда, тинчлигига дахл қилмоқда. Ҳали дунёнинг у нуқтасида, ҳали бу нуқтасида у солган, солаётган жароҳатлар ҳақида оммавий ахборот воситалари ёрдамида бохабар бўлиб турибмиз. Таъкидлаш жоизки, асримизнинг бу офатига қарши энг аввало огоҳлигимиз, сергаклигимиз, ҳушёрлигимиз билан курашамиз. Айниқса, юртнинг қуролли ҳимоячилари доимо сергак, ҳушёр бўлишлари, жанговар шай ҳолатда туришлари лозим. Шу маънода қуйидаги номлари эътироф этиладиган посбонларимиз том маънода бугунимиз қаҳрамонларидир.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Баҳодир Каримов ва Собир Маҳкамбоевлар ўзларига топширилган жанговар вазифани виждонан адо этишди. Бу билан бурчига содиқ эканликларини, ҳақли равишда армиямизнинг таянчи ва суянчи эканликларини исботлашди. Профессионал посбонлар ўта муҳим иншоотни қўриқлаб туриб, шубҳали, номаълум кимсаларни қўлга олишади. Уларнинг ҳушёрликлари, сергаклари билан боғлиқ бу воқеа ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида батафсил ўқийсиз.

Ёки бўлмаса, ўта муҳим объектни қўриқлаб турган уч нафар посбонимиз шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Ғофур Қаҳҳоров, Умид Мингбоев, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Носир Мамажоновларнинг ҳушёрликлари сабаб шубҳали кимсалар ўз ниятларига етиша олишмади.

Қуйидаги мисолда эса қоровуллик хизматини ўтаётган посбонларимиз намуна кўрсатишди. Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Даврон Шукуров, оддий аскар Азизбек Ботировнинг ўз постларида ҳушёр, сергак туришлари сабаб шубҳали шахслар қўлга олинди.

Тилга олиб ўтилган ўғлонларимизнинг бурчга садоқат билан ёндашувлари замирида Ўзбекистонга бўлган муҳаббат, истиқлолни ҳимоя қилишда фидойилик, миллий армиямиз посбони бўлишдан фахрланиш, ғурурланиш, қолаверса, танлаган йўлимизни, тинч-осойишта ҳаётимизни кўролмайдиган ғаламислардан нафратланиш туйғулари ётибди. Қалбларига Ватан байроғини қадаб олишган, юраклари она юрт деб деб сиб турган ҳарбийларимиз Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тантаналари шукуҳи кезиб юрган шу кунларда янада ҳушёрлик, янада сергаклик билан жанговар вазифаларини ўташмоқда.

Майор Сафар АЛИЖОНОВ.

МАСЪУЛИЯТ ЮКИНИ АНГЛАБ

Бўлинма жанговар навбатчиликни бажаришга киришди. Улар ҳаво сарҳадларимизни ҳимоя қилишлари лозим. Посбонларимизнинг асосий қуроли бу ўринда ҳушёрлик, сергаклик дея баралла айта оламиз. Батарея командири катта лейтенант Улуғбек Ҳакимов қўл остидаги посбонларга юклатилган вазифанинг нечоғлик масъулиятли эканлигини, ўзига хослигини тушунтирар экан, «Осмонимиз мусаффолиги, ҳаётимиз фаровонлиги сизу бизга боғлиқ. Жанговар топшириқни аъло даражада уддалар экансиз, демак, мустақилликни мустаҳкамлашга, тинчлик-осойишталикни таъминлашга улкан ҳисса қўшган бўласиз», деди шунқорларига.

Бизнинг танлаган йўлимизга, тинч-осойишта ҳаётимизга ғайирлик билан қаровчи, кўз олайтирувчи ғаламислар топилади. Буни англаган она юрт ҳимоячилари ҳамиша ҳушёр, сергак туришади. Жумладан, биз тилга олаётган бўлинма аскарлари ҳам.

Оддий аскар Феруз Бешимов оператор вазифасида. Ҳаводаги ҳар бир нишонни синчковлик билан кузатади. Унинг координатлари ҳақида маълумот беради. Бир лаҳза ҳам чалғишга, ҳушёрликни қўлдан беришга ҳаққи йўқлигини яхши билади. Тушунмаган, билмаганини эса шартнома бўйича хизмат оддий аскари, оператор Улуғбек Турсунхоновдан сўрайди.

Жанговар навбатчилик давомида техник вазифасини ўтаётган шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ғулом Ғофуровга ҳам кўп нарса боғлиқ. Ҳаво сарҳадларини кузатишда жанговар техника доимо шай бўлишини таъмин этиш унинг зиммасида-да.





...Ҳаво сарҳадларимизда нишон қайд этилди. Операторлар уни атрофлича кузатишиб, барча координатларини ҳисоблаб чиқишди. Баландлиги, тезлиги ва ҳоказоларни аниқлашди. Бу ҳақда жанговар навбатчиликни ўтаётган гуруҳнинг бошлиғи капитан Баҳодир Қулматовга маълумот берилди. Ҳушёрлик, аниқлик, тезкорлик натижасида гуруҳ жанговар вазифани аъло даражада уддалади.

Истиқлолимизнинг қутлуғ 15 йиллик тўйи нишонланиши арафасида Ватанимиз ҳимоячилари сергаклик, огоҳликни янада оширган ҳолда бурчларини бажаришмоқда, мавсум машғулотларини адо этишмоқда. Она юртимиз посбонларининг юксак жанговар шайликларини, уларнинг ҳар қандай ғаламисга, ёвуз ниятли кимсаларга зарба беришга шай эканлигини машқлар, машғулотлар мисолида кузатар экансиз, сарҳадларимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўласиз.

Майор Шаҳзод АЛИЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Бугун курсант – эртага офицер

ОТАСИГА МУНОСИБ ЎҒИЛ



Истиқлол шарофати билан, юртимиз ёшларига кенг имкониятлар эшиги очилиб, катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги ёшларимиз ўқиб-ўрганиб пухта билим олишмоқда, касб-ҳунар ўрганишмоқда, янгидан-янги кашфиётлар яратиб Ўзбекистонимиз довруғини бутун дунёга ёйишмоқда. Ўз соҳа ва мутахассисликлари бўйича бой тажрибаларни ўзлаштириб, Ватанимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшмоқдалар.

Қуролли Кучларимиз таркибида хизмат қилаётган ёш офицерларимиз ҳам, билим ва малакаларини кундан-кунга ошириб, элимиз фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай виждонан, ўз йигитлик бурчларини адо этиб келишмоқда. Йилдан-йилга офицер бўламан деб, олий ҳарбий билим юртларига ҳужжат топшираётган ёшларимиз сони ортиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги ўз мақсадларига эришиб, курсантлар сафидан жой олишмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк меваларидан бўлмиш, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти муҳандислик факультетининг курсанти Шуҳрат Толипов ҳам ёшликдаги орзуси ушалган йигитлардан биридир.

Отаси, истеъфодаги майор Фурқат ака Толипов, ўзи каби Ватан ҳимоячиси бўлишини хоҳлагани учун ўғлини ёшлигиданоқ бу шарафли касбга қизиқтирган. Шуҳрат спортнинг енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Шунингдек, мактаб давриданоқ инглиз, рус тилларини пухта ўрганган. Чет тилларини ўзлаштиришида онаси Гулчеҳра опанинг ҳиссаси катта.

Ота касбини танлаган Шуҳрат, бугун билим юртининг энг иқтидорли талабаси. У курсантликнинг биринчи кунлариданоқ ўзининг интилувчанлиги, шижоатлилиги ва билимдонлиги билан устозларининг эътиборига тушади.

– Шуҳрат жиддий, ҳаракатчан, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган йигитларимиздан,– дейди офицер Абдуғани Ҳамидов.– У ўз устида ишлашдан чарчамайди, қизиқувчанлиги боис , ҳамма нарсага тезда эришади. Унинг фикрлари теран, дунёқараши кенг, қандай мавзу бўлишидан қатъи назар, бемалол баҳс-мунозара қилиб, ўз қарашларини айтиб, тушунтириб бера олади.

Шуҳрат ҳозирда инглиз ва рус тилларидан ташқари, турк, немис тилларини ҳам мустақил равишда ўрганяпти. Устозлари Элшод Пўлатов, Замира Холматова, Ким Инесса Каментировна, офицерлардан Зоҳид Исмоилов, Воҳид Қобилов, Илҳом Каримов кабилардан соҳа илмини ўрганиб, пухта билим олмоқда.

– Шуҳрат менинг энг яқин сафдошларимдан, – дейди курсант Шамиль Мавлютов,– у кўнгли очиқ, ҳақиқий дўст, ёрдамини ҳеч қачон ҳеч кимдан аямайди. У бир нарсага эришмагунча умуман тинчимайди, доимо ўқиб изланади. Кўп тилларни билгани боис, чет эл адабиётларини ҳам қийналмасдан ўқий олади. Унинг ўрнак олса арзийдиган кўп жиҳатлари бор.

– Мен, – дейди Шуҳрат, – ҳарбий оилада ўсганлигим сабаб, болалигимданоқ, бу касбга қизиқиб, меҳр қўйганман. Мактабда устозларим катта бўлганингда ким бўласан деб сўрашса, учувчи бўламан, дердим. Ёшим улғайган сари, бу икки касбга бўлган муҳаббатим ортиб, ҳарбий учувчи бўлишга қарор қилдим. Ҳозирда билим юртида устозларимдан ҳарб илмининг сир-асрорларини мукаммал эгаллаб, ўз билим ва малакамни ошириб бормоқдаман. Келажакда улар ишончини оқлаб, эл-юрт корига ярайдиган инсон бўлишни истайман. Отамга муносиб ўғил бўлиб, у киши каби Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз осойишталиги, мусаффо осмонимиз осудалиги учун, сидқидилдан, виждонан хизмат қиламан.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ҲАРБИЙ ҚУРУВЧИЛАР ҲИССАСИ

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси сарҳадларини мустаҳкам қўриқлаётган Ватан ҳимоячиларига замон талабига мос бинолар, иншоотлар қуриш ва етказиб бериш учун ҳарбий қурувчилар тинимсиз хизмат қилишмоқда. Қурилиш батальонларига хизматга келган ҳарбий хизматчиларнинг қурилишга бўлган қизиқишлари жуда юқори. Ёш аскарлар янги келган вақтда қурилиш сирларини унчалик тушунмаган бўлишса, айни чоғда ўзлари мустақил равишда ишларини пухта ва сифатли бажариб келишмоқда. Албатта бунинг учун тажрибали, қурилишда жуда кўп меҳнати сингган инсонлар яқиндан ёрдам беради ва ўргатадилар.

Ҳозирги вақтда бизнинг взводимиз шахсий таркиби ҳарбий қисмларда қурилиш ишлари билан банд. Бу ерда техникалар учун турар-жойлар, машиналарни ювадиган ва тузатадиган барча шарт-шароитли иншоотлар барпо этилмоқда. Бу қурилишда бир қанча тажрибали ишчилар билан бир қаторда ҳарбий қурувчиларнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим. Ватанимизнинг ҳар бир бурчаги ўз уйимиз. Ҳар бир инсон ана шу азиз гўшаси истиқболи учун баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Буни яхши билган ҳарбий қурувчилар эса бир-биридан чиройли иншоотлар барпо қилиб, она юртимиз тароватига тароват қўшишмоқда.

Капитан Чори ЭРГАШЕВ.



Информация в номер

ПРОХОДЯТ СБОРЫ

На днях в Юго-Западном особом военном округе начался учебно-методический сбор с начальниками ПВО военных округов и общевойсковых соединений, командирами частей ПВО Сухопутных войск.

Для участия в сборе также привлечены начальники циклов ПВО школ подготовки сержантов военных округов, кафедры боевого применения ЗРВ ЧВТКИУ, а также военной кафедры ТашГТУ, командиры соответствующих подразделений.

Целями сбора являются повышение теоретической подготовки и совершенствование практических навыков офицеров в управлении подчиненными подразделениями, поддержание на требуемом уровне слаженности и оперативности в работе отделов и командных пунктов ПВО военных округов, проверка уровня знаний офицерами руководящих документов, требований основных положений Боевого устава ПВО Сухопутных войск, физической подготовленности.

А на танковой директрисе завершился второй этап соревнования в масштабах войск ЮЗОВО на лучшего командира экипажа танка, БТР, БМП. Комиссия подведет итоги этих состязаний и определит лучших командиров экипажей.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

МЕСЯЧНИК БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

ЧЕСТИ МУНДИРА НЕ УРОНИЛИ

Понятие чести мундира всегда оставалось и остается одной из самых высоких ценностей среди военнослужащих. Не случайно в наших Вооруженных Силах эта воинская традиция бережно хранится и преумножается.

Когда военнослужащий проходит по улице молодцеватой походкой в красиво скроенном военном обмундировании, на него заглядываются все прохожие. Удовлетворенно улыбнется в седые усы ветеран, вспомнив свою фронтовую юность. Просветлеет взгляд мужчины среднего возраста, которому солдат напомнит о проведенных в армии собственных годах срочной службы. А у мальчишек просто загораются глаза – так хочется им поскорее вырасти, чтобы примерить на себя солдатскую форму! Женщина может вдруг взгрустнуть, так как воин напомнит ей о сыне или внуке, исполняющем в эти дни свой конституционный долг. Каково-то ему там служится?

И это далеко не полный спектр мыслей или ассоциаций, которые вызывает у гражданского населения человек в военной форме. Для нас самих очень важно произвести благоприятное впечатление, укрепить в соотечественниках чувства надежды и защищенности. Ведь мы всегда оказываемся в центре внимания, хотя бы потому что выделяемся своей формой. И потому каждому из нас, кто носит на плечах погоны, надо каждодневно и ежечасно помнить об этом. Ведь и в Уставе внутренней службы Вооруженных Сил Республики Узбекистан это подчеркнуто. Например, в части 3 статьи 67 главы «О воинской вежливости и поведении военнослужащих» записано: **«...военнослужащие должны соблюдать вежливость по отношению к гражданскому населению, проявлять особое внимание к пожилым людям, женщинам и детям, способствовать защите чести и достоинства граждан, а также оказывать им помощь при несчастных случаях, пожарах и стихийных бедствиях».**

Отрадно, что подавляющее большинство наших военнослужащих именно так и делает. Например, недавно в одном из гарнизонов военнослужащие подали яркий пример достойного поведения. Старшие сержанты Ахад Пайгамов и Маруф Тохиржанов, младший сержант Тургангуль Пукашева, рядовые Шохиста Тохиржанова и Илёс Якубов находились в транспортном средстве, которое попало в ДТП. Вполне житейская ситуация. Но речь о другом. Несмотря на полученные травмы, военнослужащие не только сами не растерялись, но и предотвратили панику, приняли активное участие в оказании первой помощи и отправке пострадавших в медучреждения. Они достойно проявили себя, высоко неся звание военнослужащего Вооруженных Сил Республики Узбекистан. За это им объявлена благодарность, а соответствующий приказ министра обороны отправлен в войска, чтобы этот поступок послужил примером для всех.

В «Ватанпарваре» уже описывались случаи, когда офицеры спасали тонущих в водоемах детей. Мы прекрасно помним, как в дни стихийного бедствия в Шахимардане именно военные первыми протянули руку помощи пострадавшему населению. Тогда они трудились дни и ночи, расчищая завалы, вынося жителей из-под обломков домов. Впрочем, внимание к гражданскому населению проявляется не только в критические моменты.

В этом деле не бывает мелочей. Даже если солдат или офицер просто поможет пожилому человеку улицу перейти, этот маленький знак внимания будет замечен и оценен людьми. Ведь уже упомянутые нами военнослужащие в критический момент совсем не предполагали того, что будут поощрены. Просто – так подсказали им сердце и воинский долг. Они чести мундира не уронили.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

Внимание: конкурс!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.
Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 24 августа. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!
ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА.

ВОПРОСЫ ТРЕТЬЕГО ТУРА

1. С какого возраста Правила разрешают управлять легковыми автомобилями?
а) с 14 лет;
б) с 16 лет;
в) с 18 лет.

2. Дает ли водителю преимущественное право проезда подача предупредительного сигнала?
а) не дает;
б) дает при завершении маневра;
в) дает при начале маневра;
г) дает во всех случаях.

3. Когда водитель должен уступить дорогу пешеходам?
а) при выезде из двора;
б) при въезде во двор;
в) при выезде с заправочной станции;
г) при выезде со стоянки на дорогу;
д) во всех перечисленных случаях.

4. В каких случаях запрещена стоянка на дорогах, имеющих менее трех полос движения в одну сторону?
а) на мостах, эстакадах и на путепроводах;
б) под мостами, эстакадами и подвесными дорогами;
в) во всех перечисленных случаях.

5. Разрешается ли перевозить детей, не достигших 12-летнего возраста, в кабине грузового автомобиля?
а) разрешается;
б) разрешается только в сопровождении взрослого пассажира;
в) запрещается.

6. Разрешается ли эксплуатация транспортных средств с неопломбированным спидометровым оборудованием?
а) разрешается;
б) запрещается;
в) разрешается только автомобилей, мотоциклов и мопедов, принадлежащих индивидуальным владельцам.

7. Где положено хранить медицинскую аптечку в автомобиле?
а) в багажнике легкового автомобиля;
б) в закрепленном состоянии в местах, установленных предприятием-изготовителем;
в) в кузове автомобиля на видном месте.

8. Происшествия с автомобильной техникой, связанные с ее эксплуатацией, подразделяются:
а) катастрофы, аварии, наезд на транспортное средство, повреждения по эксплуатационным причинам, боевые повреждения и несчастные случаи.
б) катастрофы, аварии, поломки и несчастные случаи;
в) катастрофы, столкновения, опрокидывание, наезд на транспортное средство, наезд на пешехода, несчастный случай и прочие происшествия;
г) катастрофы, столкновения, опрокидывание, наезд на транспортное средство, наезд на пешехода, наезд на препятствие, несчастный случай, повреждения по эксплуатационным причинам, боевые повреждения и прочие происшествия.

9. Возможные причины перегрева двигателя автомобиля:
а) недостаточное количество охлаждающей жидкости в системе, пробуксовка или обрыв ремня привода вентилятора, засорение сердцевины радиатора, неисправности термостата, закрытие жалюзи, большое отложение накипи в рубашке блока цилиндров и в радиаторе;
б) загрязнение охлаждающей жидкости в системе, износ подшипников коленчатого вала;
в) наличие воздуха в системе.

10. При выполнении зачетных упражнений по вождению автомобиля инструктор должен находиться:
а) в машине лица, сдающего зачет.
б) запрещается находиться в машине лица, сдающего зачет

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ВТОРОГО ТУРА

1. Допускается. При этом водитель, производящий разворот, должен уступить дорогу попутным и встречным транспортным средствам.
2. 50 м.
3. Ближний свет фар (противотуманные фары) или габаритные огни.
4. Повернуть рулевое колесо в сторону начавшегося заноса.
5. Сумма полных масс транспортных средств, входящих в состав.
6. Запрещается в нетранспортном положении.
7. Убедиться в отсутствии приближающегося поезда.
8. Масса груза, перевозимого транспортным средством, которая устанавливается в качестве допустимой технической характеристикой завода-изготовителя.
9. Нажать на педаль тормоза без выключения сцепления.
10. Знаком аварийной остановки, укрепленным на нем сзади.

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

УШАЛМАГАН АРМОНЛАРГА ҚАРЗДОРМИЗ

Онам гоҳо бобоси — волидасининг отаси ҳақида узуқ-юлуқ хотираларни сўзлайди. «...Катта боваң Остонақул Чандир қишлоғида (Бухоро вилояти, Олот тумани) ҳурматэътиборга сазовор киши бўлган. Бой-бадавлат яшаган, деган сўзни яқин-яқингача ишлатишга чўчирдик. Онам раҳматлик отаси ҳақидаги айрим хотираларни бизга гўё чўпчак сўзлагандек айтиб берарди. Бовам ўзига тўқ, бой, тадбиркор инсонлардан бўлган. Шўро тузумига мол-мулкини ўз ихтиёри билан топширган. Шунда турмуш янада фаровон бўлишига ишонган-да. Аммо уни Кавказга қулоқ сифатида сургун қилишган. Улардан икки фарзанд — онам Гуландом ва тоғам Қаландар қолди. Тоғамни вояга етмасдан туриб, айтишларича, 16 ёшида қайсидир амалдорнинг ўғли ўрнига Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларига ташлашган. Уруш уни ажал комига тортиб кетди».

Онам Тошкентга келганларида Мотамсаро она ҳайкалини зиёрат қилдилар. Хотира китобини варақлаб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган тоғаси Қаландар Остоновнинг фамилиясини топиб, бизга кўрсатдилар.

Ўйлаб қарасанг, қатағон қалбини тирнамаган одамлар, ҳаловатини ўғирламаган хонадонлар кам. «...Машъум 1937 – 1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди», деган эди Президентимиз Ислом Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда.

Ҳа, истиқлол сабаб, Юртбошимиз сабаб шўро тузуми зулми остида ноҳақ жабрланганлар, мустақиллик йўлида курашганлар, қатағон қилинганлар бугун ёд этилмоқда. Уларнинг пок хотираси, исмлари қайта тикланмоқда. Бир сўз билан айтганда, тарихий адолат қарор топяпти.

Қатағон айниқса миллатнинг гули бўлган, халқни, миллатни илм-фан нурлари билан уйғотишга уринган зиёлиларга кўп жабр, зулм етказган. Шулардан бири Исҳоқхон Ибратдир. Маърифатпарвар шоир, тилшунос, тарихчи, публицист, педагог сифатида ўз даврида донг таратган бу инсоннинг тарихимизда ўзига хос ўрни бор. Наманганда туғилиб, вояга етган Исҳоқхон Ибрат рус тили билан бир қаторда ўнга яқин Шарқ ва Ғарб тилларини мукаммал билган. Унинг 1901 йилда босмадан чиққан «Луғати ситта-алсина» асари «усули жадид» мактабларида Шарқ ва рус тилларини ўрганишда бирдан-бир қўлланма ҳисобланиб келинган.

Мадрасани тугатганидан кейин Ибрат қишлоғига қайтиб келиб, ўзи янгича мактабга асос солади. Ҳа, бу инсон халқимизнинг илмли, маърифатли бўлиши йўлида ёниб яшади. Маърифатли халқнинг келажаги порлоқ бўлишини юрак-юрагидан ҳис қилди.

«Ёзувлар мажмуаси» асари унинг тилшуносликка киритган муҳим янгиликларидан бири бўлди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мазкур асар тилшуносликнинг мураккаб соҳаси бўлган ёзувлар тарихига бағишланган. «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон» асарларининг эса тарихшуносликда ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаш лозим.

30 йиллик поэтик ижодининг меваси бўлган «Девони Ибрат» унинг шоир сифатида қанчалар қобилиятга эга эканлигини кўрсатади.

Хуллас, Ибрат шўролар тузумига, унинг ёлғонларга қурилган ғояларига катта умид билан қаради. Халқнинг том маънода озод бўлишига, фаровон ҳаёт кечиришига ишонди. Шунинг учун ҳам илм-маърифатни ривожлантириш, маданий-маърифий муассасаларни ташкил этишга жиддий киришди. Аммо тузумнинг қатағон дея аталувчи даҳшатли машинаси бу маърифтпарвар инсонни ҳам ўз домига тортди. 1937 йилнинг апрель ойида 75 ёшни қоралаган кекса шоирни Андижон турмасига олиб кетишади ва ўша жойда Ибрат вафот этади. Бир умр зиёга талпиниб яшаган, одамларга зиё улашишга уринган инсонни тузум юҳоларча ютиб юборади.

Ўзга юртларда сургунда бўлганларнинг тақдири жуда-жуда ачинарли кечгани маълум. Айниқса, миллатдошларимизга шовинистик руҳда қараш, уларни ҳатто сургун қилинган бошқа миллат вакилларига нисбатан камситишгани юрагингни тирнайди. Шўроларга, уларнинг тузумига нисбатан нафратингни қўзғайди. Шу ўринда фикримизни Рустамбек Шамсутдиновнинг китобидаги бир мисол билан исботласак. 1937 йилда иттифоқ халқ комиссарлари совети ҳузуридаги назорат комиссияси раиси Н.Антипов номига юборилган махфий мактубда шундайин жумлалар бор: «Биз томонимиздан Одесса вилоятидаги пахтачилик совхозларида ўтказилган текширувда бу совхозлардаги меҳнат учун кўчириб келтирилган ўзбекларга мутлақо чидаб бўлмайдиган даражада муносабат бўлаётганлиги аниқланди.

Вилоятдаги 4 та совхозда ҳаммаси бўлиб 1473 киши ўзбеклардир, улардан 875 киши меҳнат қилмоқда. Бу пахтачилик совхозларидаги асосий ишчи кучидир. Маъмурият ва таъминловчи персонал томонидан ўзбекларга бўлган муносабатни буюк давлат шовинизми деган номдан бошқа ном билан аташ мумкин эмас. Ҳамма нарсада ўзбеклар билан ўзбек бўлмаганлар ўртасидаги тенгсизлик фарқи яққол ажралиб турибди, устига-устак, ўзбек бўлмаганлар ўзбекларга қараганда ҳар доим имтиёзли мавқега эга...»

Бугун қатағонга учраган миллатдошларимиз, ватандошларимиз ҳақида ўйлаганда, сўзлаганда, аввало истиқлолга шукроналик ҳисси жўш уради. Негаки, айнан Мустақиллик сабаб ўзлигимизни англамоқдамиз, ўз тақдиримизни ўзимиз қўлга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, шаъни ва ғурурини тикламоқдамиз, асрий, тарихий адолатни қарор топтиряпмиз. Қатағонга учраган ота-боболаримиз хотираси олдида инсоний бурчимизни адо этяпмиз. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида шижоат кўрсатар эканмиз, уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида ҳам қарздор эканлигимизни унутмайлик.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

Республика Ҳарбий прокуратурасида

ЁШ МУТАХАССИСЛАР СЕМИНАРИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида Тошкент шаҳрида ҳарбий прокуратура органларида ҳарбий хизмат қилаётган ёш мутахассис прокурор-тергов ходимлари иштирокида «Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлашда ҳарбий прокуратуранинг роли ва вазифалари» мавзуида амалий семинар ўтказилди.



Семинар ёш мутахассисларнинг касбий маҳорати ва тажрибасини назарий ва амалий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди. Ёш мутахассислар ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини бугунги кун талаблари асосида бажаришлари учун зарур бўлган янги фан ва техника янгиликларини уларнинг эътиборига етказишдан иборат бўлиб, мазкур амалий семинарга ҳарбий мутахассислар, ҳуқуқшунос ва бошқа соҳа олимлари, юқори малакага эга бўлган эксперт мутахассислар, тажрибали прокурор-тергов ходимлари таклиф этилди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари–Республика Ҳарбий прокурори адлия полковниги Шуҳрат Узоқов кириш сўзи билан очиб, «Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлашда ҳарбий прокуратуранинг роли ва вазифалари» деган мавзуда маъруза қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2006 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишининг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида батафсил тўхталди.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти раҳбарияти ҳамда профессор-ўқитувчилари семинар қатнашчиларига Ҳарбий низомлар, Қуролли Кучларнинг таркиби, қўшин турлари тўғрисида сўзлаб беришди.

Ҳ. Сулаймонова номидаги Ўзбекистон Республикаси суд илмий-тадқиқот маркази директори С. Отахўжаев ва марказнинг эксперт мутахассислари «Жиноятчиликка қарши курашда суд экспертизасининг имкониятлари», «Суд-иқтисодий экспертизалари турлари ва имкониятлари», «Суд-баллистика экспертизалари ва уларнинг имкониятлари» ҳамда соҳага оид бошқа мавзуларда маъруза қилдилар.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директорининг ўринбосари Ф. Шодмонов, катта ўқитувчи Ш. Бердиев, илмий ходим Н. Мираҳмедова, Бош прокуратура бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д. Мубиев, бўлим бошлиғи Н. Бойтемиров, бошқарма прокурори Ш. Каримов суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида прокуратура органларининг ўрни ва вазифалари тўғрисида чиқиш қилишди.

Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги С. Жўраев ва Ҳарбий прокуратура бўлим бошлиқлари ўзларининг соҳавий йўналишлари бўйича гапириб беришди. Семинар иштирокчиларининг қизиқтирган саволларига жавоблар қайтаришди.

Адлия майори Ёқубжон СОДИҚОВ.

«ДИЙДОР» БИЛАН ДИЙДОР ЗАВҚИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллик тўйи арафасида Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталида даволанаётган аскарлар «Дийдор» театр-студиясининг артистлари билан учрашдилар. Госпиталь клубида йиғилганларга «Дийдор» кулгу-меҳмонхонасининг режиссёри Мирвосил Мирзаев етакчилигида артистлардан – Тойир Раҳимбердиев, Зебо Қосимова, Олимжон Отабоев, Абдулла Тўйчиев, Саида Раҳимова, Ихтиёр Аҳмадалиев ва Муқаддас Кучаровалар, санъаткорлар – Мамажон Нурматов, Ҳайитали Низомиддинов, Раҳимхон Исмоиловлар байрамолди дастурни намойиш этдилар.



«Дийдор» кулгу-меҳмонхонасининг чиқишлари ранг-баранг бўлиб, унда театр ижодий жамоаси ёшлар ўртасидаги муаммолар, ҳаётнинг оғриқ нуқталарини ўткир сатирик жанрлардаги асарлар орқали қойилмақом ижро этиб бердилар. Айниқса, ёш актёр Абдулла Тўйчиев ижро этган комик роллар – танбал ўғилу, «таниқли боксчи» талқини томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

– Менга театр жамоасининг барча чиқишлари ёқди. Қўшиқлар ўзига хос, саҳна кўринишлари қизиқарлилиги билан томошабинни жалб этади, – дейди жиззахлик оддий аскар Дилшод Қодиров. – Умуман олганда, бу каби учрашувлар бизнинг кайфиятимизни кўтарибгина қолмасдан, саломатлигимизни тиклашга, ҳарбий хизматни янада руҳланиб адо этишга ёрдам беради.

Дилшоднинг гапларини тасдиқлаган сурхондарёлик оддий аскар Файратжон Мўминов ҳам ўз қувончини яширолмади:

– Эътибор берган бўлсангиз, ҳар битта саҳна кўринишидан енгил кулги остига олинган турмуш ташвишлари, танбаллик, ҳаётий муаммолар ўрин олган. Гарчи уларнинг айнан аскарлар ҳаётига бағишланган бўлмаса-да, биз ўз умримиз давомида учратадиган воқеа ва ҳодисалардир. Шу боис, томошалар барчамизга манзур бўлди. Биз мана шу ажойиб кечани уюштиришда бош-қош бўлган Мудофаа вазирлиги Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси ва «Ўзбектеатр» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Дийдор» театр-студияси раҳбариятидан беҳад миннатдормиз.

Театрнинг бош раҳбари Б. Комилов бу каби учрашувларнинг қамровини кенгайтириш режага киритилганлигини таъкидлаб ўтди. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг бўлим бошлиғи Аҳмаджон Раҳимов йиғилганларни энг улуғ, энг азиз байрам муносабати билан самимий табриклаб, аскарларимиз Ватанимизнинг ишончли посбонлари эканлигини, уларга маънавий озуқа улашиш театр жамоасининг доимий вазифаси бўлиб қолишини қайд этди.

Мазкур учрашув ҳарбий томошабинлар руҳиятини кўтариб, кўтаринки кайфият бағишлади. У санъат ва театр аҳли билан самимий дийдорлашиб, маънавий оламини янада бойитдилар. Шубҳасиз, «Дийдор» сурури узоқ вақт аскарларнинг қалбларидан жой олади.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА, «Ватанпарвар» мухбири. Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).

Они въехали в микрорайон с одинаковыми, похожими друг на друга четырехэтажными многоквартирными домами, у одного из которых мужу приказали остановиться метрах в шести, от темного, неосвещенного подъезда. Один из бандитов, не повышая голоса, что-то сказал мужу, а он не поворачивая головы, молча кивал, давая знать говорившему, что понимает его. Все происходящее казалось дурным сном или плохо разыгранной шуткой, но упершийся в шею ствол оружия постоянно напоминал ей о том, что все это реальность.

На лестничных площадках было темно и тихо. Казалось, дом вымер: из-за дверей квартир не доносилось ни звука. Они молча шли цепочкой до четвертого этажа: идущий первым мужчина освещал ступеньки карманным фонариком. На четвертом этаже один из боевиков открыл дверь квартиры, за которой стояли мужчина-таджик лет сорока и молодой парень с пистолетом за поясом.

В квартире было две смежные комнаты, в одну из которых отвели заложников и предложили им сесть на ковер, укрывавший весь пол комнаты. Единственным украшением комнаты были продолговатые подушки, разложенные вокруг небольшого деревянного столика на коротких ножках. Единственное окно скрывала портьера из плотной ткани. Муж выслушал все, что сказал ему сорокалетний таджик, к которому трое молодых боевиков относились, как к командиру, и называли Саидшо.

— Вы оба будете находиться здесь, с нами. За малейшую попытку к бегству мы будем стрелять. Мы знаем, что вы муж и жена. Мы знаем, кто вы и где работаете. Нам от вас надо одно — вашу жизнь в обмен на нашего человека, который арестован. Питаться вы будете тем же, чем питаемся мы сами. В туалет, естественно, по одному. Связывать вас не будут, надеюсь, вы разумные люди. Но знайте, ваши жизни в наших руках. Если погибнем мы, то и вы не останетесь живыми. Все, что вам понадобится, вы попросите у моих людей. Сейчас напишите на русском языке небольшую записку, в которой укажите — что вы живы. Добавьте, что вы заложники, а то могут подумать, что вы отдыхаете на даче, — произнеся последние слова, он улыбнулся и уже на таджикском языке дал распоряжение одному из боевиков, после чего на столе появился небольшой чайник с чаем, чашки и лепешки.

Когда они остались одни в комнате, женщина, тесно прижавшись к плечу мужа, спросила:

— Скажи мне, насколько серьезно наше положение. И как долго это протянется?

— Они не предъявляют лично нам каких-либо требований, мы только заложники. К чьей политической группировке они относятся, я не знаю. О политике они ничего не говорят. Говорят, чтобы мы сидели спокойно и не шумели, иначе застрелят. Нам надо ждать обмена на их человека, арестованного властями. Я надеюсь, скоро все прояснится, и еще — наверное, наша домохозяйка сообщит в миссию о нашем отсутствии, и нас начнут искать.

Она понимала, что муж успокаивает ее, понимая и то, что у них не было выбора. Оставалось терпеливо ждать. Они не будут сопротивляться или предпринимать каких-либо действий, усвоив однажды много лет назад правило из «Инструкции по выживанию в экстремальной ситуации»: «Если у тебя нет специальной подготовки по борьбе с террористами, предоставь свою судьбу тем, кто занимается профессионально освобождением заложников».

Сна не было, и она, сидя рядом со спящим мужем, украдкой разглядывала молодого боевика, сидящего напротив нее, пытаясь понять внутренний мир человека, противопоставившего себя обществу. Ей даже хотелось заговорить с ним, но понимание того, что любая ее попытка будет пресечена, скорее всего, окриком, останавливала ее.

Простой исполнитель, один из полутора миллиардов современных мусульман. Глядя на боевика, она вспомнила статью об исламе, в которой говорилось о религии ислама, как производной иудаизма и христианства. Статью она читала страшно давно, будучи еще студенткой университета. Но еще тогда у нее возник вопрос, почему самая молодая мировая религия, не скрывающая признания большинства принципов и взглядов буддийской, иудейской и христианской религий, в современном мире стала самым значительным и чаще окрашенным кровью людей инструментом в руках большинства азиатских политиков, стремящихся к власти.

В ЛЮБОМ СЛУЧАЕ, ПОСЛЕ ЧИСТОСЕРДЕЧНОГО ПРИЗНАНИЯ СТРЕЛЯТЬ И УБИВАТЬ ЛЮДЕЙ ЕМУ УЖЕ НЕ ПРИДЕТСЯ.

На рассвете ее и мужа по одному отвели в ванную комнату, после чего им подали чайник чая, лепешку, и горстку кишмиша. Она сидела рядом с мужем, плохо понимая то, что он ей говорил, а он старался отвлечь ее от невеселых мыслей, подшучивая над их непривычным утренним меню и вспоминая забавные истории, которые с ними происходили в парижских кафе и ресторанах.

Ризвон, не перебивая, слушал рассказ Файзи о ночном захвате французских граждан. Захват прошел спокойно и без лишнего шума. В любом случае, поиск пропавших людей уже начался, ведь отсутствие в течение ночи двух иностранцев, да еще сотрудников иностранного представительства, должно было переполошить всех. Скоро начнется самая трудная часть операции: объявление условий обмена Бахрома на иностранцев. Ризвон прочитал записку, написанную ночью заложниками, добавил к ней свою записку, в которой он сообщал о том, что двое сотрудников международного представительства захвачены группой Ризвона с целью их обмена на Бахрома. На конверте большими буквами Ризвон написал: «От Ризвона Содирова».

К трем часам того же дня конверт, с вложенными в него двумя записками, попал в экстренно созданный оперативный штаб, состоящий из первых лиц силовых и правоохранительных структур, координирующих оперативную работу по поиску заложников. То, что тексты были подлинными, подтвердили почерковеды-криминалисты. Про условия обмена заложников на Бахрома в тексте ничего не говорилось. Это могло означать только одно — Ризвон будет скрывать заложников и сообщать о своих действиях властям самым непредсказуемым образом. В любом случае, полученная записка стала для оперативников первой информацией, несмотря на то, что уже много часов была задействована вся агентурная сеть и усилен контроль за всеми машинами, выезжающими из столицы.

Кроме этого, уже несколько часов велось усиленное прочесывание подвалов и чердаков домов города, а в кабинетах следователей проводился опрос десятков людей, так или иначе входивших в контакт с пропавшими иностранцами.

Одил не знал о проведенной боевиками ночной операции похищения иностранцев. Он встретился с Файзи в назначенном месте по предварительной договоренности.

— Это обещанные деньги, — Файзи незаметно передал ему сверток с деньгами и, немного помолчав, прошептал: — тебе привет от Саидшо. А это адрес, по которому ты его завтра днем найдешь. Соблюдай все меры предосторожности. Нам предстоит участие в очень крупной операции.

Они расстались, не попрощавшись. Одил шел по улице, не замечая дороги. Его надежда на то, что он соберет деньги и уедет из Душанбе, рушилась. Денег оказалось слишком мало. Брать деньги у родителей ему не позволяла совесть. Надеяться на то, что планируемая операция с участием Одила не повлечет ареста, было глупо: одно дело воевать в горах, другое — проводить операцию в столичном городе. Он лихорадочно искал варианты отказа от предложения Файзи, понимая, что просто так из состава боевой группы ему не выйти. Но и оставаться заложником своего прошлого он уже не мог. Только утром он принял окончательное решение, казавшееся ему единственно верным — надо идти к властям и все рассказать, а там будь что будет. В любом случае, после чистосердечного признания стрелять и убивать людей ему уже не придется.

Утром он стоял у окошка «Приема граждан» в здании Министерства государственной безопасности республики. Едва он произнес имя и фамилию Ризвона Содирова, как офицер сразу впустил его в помещение дежурной комнаты и стал лихорадочно крутить диск внутреннего телефона...

Одил сидел в кабинете и рассказывал седоволосому мужчине все, начиная с того дня, как он школьником приехал в селение к своей тете. Не скрыл он и того, что недавно отпечатал листовки с текстом Ризвона, а потом расклеивал их ночью по улицам города и стрелял в милиционера. В конце рассказа на стол легла пачка денег, полученных от Файзи. Он говорил, и ему казалось, что он освобождается от груза, который долгое время держал на сердце, и полковник, понимая его состояние, слушал, не перебивая. Полковник ничего не записывал, зная, что благодаря скрытым микрофонам, установленным в его кабинете, оперативная группа с первой минуты исповеди боевика ведет кропотливый анализ полученной информации.

В том месте рассказа, где Одил сказал, что сегодня днем, через четыре часа, Файзи передаст ему адрес, по которому он должен встретиться с Саидшо, полковник попросил уточнить время и место встречи, после чего попросил юношу продолжать рассказывать. Часом позже Одил в сопровождении полковника входил в огромный кабинет, в центре которого стоял массивный стол, за которым сидел генерал.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение следует).

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Ҳарбий техника шарҳи

ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИ ЖАНГОВАР РАЗВЕДКА МАШИНАЛАРИ

Франция. Мамлакат армиясининг қуруқликдаги қўшинлари ҳарбий техникаси таркибидан муҳим жой олган VBL русумли зирҳли автомобиль 1990 йилда ишлаб чиқилган. Унинг иккита база варианти мавжуд: экипажи икки кишидан иборат бўлган иккита пулемёт (7,62 ва 12,7 мм.ли) билан қуролланган разведка машинаси (РМ) ҳамда экипажи уч кишидан ташкил топган ТОУ русумли танкка қарши бошқарилувчи ракета ва 7,62 мм.ли пулемёти бўлган машина.

Ушбу машина сувда корпуснинг пастки қисмида жойлашган эшкак винт ёрдамида ҳаракатланади. Сузиш вақтидаги тезлиги соатига 4,5 км.

VBL разведка машинаси дунёнинг кўплаб мамлакатларида машҳур бўлиб, Франция, Греция, Португалия, Бенин, Камерун, Габон, Индонезия, Қувайт, Мексика, Нигерия, Қатар, Руанда ва Того давлатлари армияларининг қуруқликдаги қўшинлари қуроллари таркибидан ўрин олган.

Италия. 600 та машинадан иборат Италия разведка машиналари парки таркибига ўт очиш орқали қўлловчи (БМОП) «Чентауро» (ғилдиракли, 400 та), шунингдек, «6616» (40 та) ва «Пума» (6х6) русумли жанговар разведка машиналари киради.

Матбуотда «танклар кушандаси» деб ном олган «Чентауро» машинаси Италиянинг «Ивеко» (шасси) ва «ОТО Мелара» (башня, тўпи билан) фирмалари томонидан 1996 йилда ишлаб чиқилган. Унинг қуроли – НАТОнинг стандарт ўқ-дориларидан фойдаланилувчи 105 мм.ли танк тўпи. Бундан ташқари, машинага иккита 7,62 мм.ли пулемёт (жуфтлаштирилган ва зенит қурилмаси) ҳамда саккизта тутун ҳосил қилувчи гранатомёт ўрнатилган. Машинанинг жанговар оғирлиги – 25 тонна.

Жанговар машина, шунингдек, «Галелио авионикс» фирмасининг TURMS русумли компьютерлаштирилган ўт очишни бошқариш тизими ва кундузги-тунги нишонга олгич (прицел) билан жиҳозланган. Машина корпусининг қуйруқ қисмида жанговар коплектни қисқартириш ҳисобига 4 нафар пиёда-разведкачи аскарлар жойлашиши мумкин. Баъзи машиналар қўшимча илма зирҳга ҳам эга.

«Чентауро» руль бошқаруви кучайтиргичи, чиғир (юк кўтаргич), ёнғинга қарши тизим, кондиционер ва шиналарга дам бериш марказлашган тизими билан жиҳозланади.

«Чентауро», шунингдек, Испания армиясининг қуруқликдаги қўшинлари қуроллари таркибидан ҳам жой олган (22 та).

«Пума» РМси эса «Ивеко–ОТО Мелара» консорциуми томонидан икки кўринишда ишлаб чиқилган: ғилдираклар формуласи 4х4 (сиғими тўрт киши) ва 6х6 (етти киши). Жанговар оғирлиги шунга мос равишда 7 т ва 8, 4 т. 2003 йилда тузилган шартнома бўйича ана шундай машиналардан 540 та ишлаб чиқариш кўзда тутилган: 300 та 4х4 ва 240 та 6х6 формулали. Машинанинг асосий қуроли – 12,7 мм.ли пулемёт.

Испания. Мазкур мамлакат РМлари парки VEC 3562 «Пегасо» русумли машиналардан (6х6, 340 та) иборат бўлиб, у 1986 йилда Испаниянинг «Санта-Барбара» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва уч вариантдаги қуролга эга (20, 26 ва 90 мм.ли тўплар). РМнинг зирҳли корпуси алюминий қотишмасидан тайёрланган ва ҳарбий хизматчиларни 7,62 мм. калибрли ўқлар ва снаряд парчаларидан ҳимоя қилади. Унга 5 киши жойлашиши мумкин (экипажнинг 3 аъзоси ва 2 нафар разведкачи). Кучланиш бўлинмаси корпуснинг қуйруқ қисмида жойлашган бўлиб, у ерда қуввати 310 от кучига тенг бўлган дизель двигатели ва сув отувчи ҳаракатлантиргич бор.

Ушбу РМ замонавий разведка аппаратураси, навигация тизими, кондиционер, шунингдек, шиналарга дам бериш марказлашган тизими билан жиҳозланган.

Япония. Разведка машиналари парки «87» типидаги ғилдиракли машиналардан иборат (100 дона атрофида). Ушбу машина қуруқликдаги қўшинлар қуроллари таркибига 1987 йилда киритилган. У «82» типидаги БТР асосида «Мицубиси» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган.

Корпус зирҳли пўлатдан тайёрланган, ёпиқ. Бошқариш бўлинмаси олд қисм ўнг томонда, кучланиш бўлинмаси эса қуйруқ қисмида жойлашган.

Асосий қуроли – 25 мм.ли тўп, ёрдамчи қуроли – 7,62 мм.ли пулемёт зирҳли башняда жойлашган. Командир ва нишонга олувчи (наводкаш) ҳам шу ердан жой олган. Экипаж таркибига (5 киши), шунингдек, радист ва кузатувчи ҳам киради. Улар жанговар бўлинма ортида жойлашади. Кучланиш қурилмаси – дизель двигатели ва механик трансмиссиядан иборат. Машина сувда сузмайди.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).

Билиб қўйган яхши

СУТНИНГ ШИФОБАХШЛИГИ

Бундан 250 йил муқаддам машҳур юнон табиби Гиппократ сутнинг шифобахшлик хусусиятларини кашф этган. Масалан, у буйрак касали билан оғриган беморга фақат уч маҳал сут ичишни тавсия этган. Бир ойлик муолажадан сўнг бундай беморлар бутунлай соғайиб кетишган. Гиппократ сутни фақатгина буйракка эмас, асаб, ошқозон, ичак, юрак касалликларига ҳам тавсия этган экан. Чунки, инсон организми учун зарур бўлган олтита модда айнан сут таркибида мавжуд. Шулардан иккита энг муҳими: альбумин ва глобулин оқсиллари. Бир литр сут саккизта тухум оқсилига тенг экан.

Абу Али ибн Сино сут инсоннинг озиқланиш аъзоларига, шиш ва тошмаларга, жароҳат, яраларга, бош ва нафас, кўз аъзоларига шифолиги, иситма чиқиши ва заҳарларга қарши даволигини таъкидлаган. Сут шакар билан ичилса, юз рангини чиройли қилади. Сут, шунингдек, ғамгинлик, васваса, хотира сустлашиши касалликларига ҳам яхши даво экан.

Сутда ёғ ва оқсилдан ташқари, шакар моддаси ва А, В, С, Д витаминлари бор. Кўпчилик халқларда янги соғилган эчки, қўй, сигир сутидан қатиқ ивитиб, кўплаб касалликлар даволаб келинади.

КЎЗОЙНАК ТАҚСАНГИЗ

Кўз шифокорларининг ҳисоб-китобларига қараганда, аҳолининг 40 фоизга яқини кўзойнак тақишга эҳтиёж сезар экан. 45 ёшдан ошганлар учун бу 100 фоизга яқинлашади. Бировга узоқни, бошқа бировга яқинни яхши кўрсатадиган кўзойнак зарурати пайдо бўлади. Бунда кўзойнакни албатта шифокор кўрсатмаси бўйича харид қилиш лозим. Ҳеч қачон бировнинг кўзойнагидан фойдаланманг. Бу кўзингизга зиён қилиши мумкин.

Кўзойнакка буюртма берар экансиз, унга мос келадиган гардиш танлаш керак. У қулай, қулоққа, бурун қаншарига ботмаслиги, асосийси, линза тўғри ҳолатда туриши, яъни кўзга нисбатан симметрик равишда пешонадан ёноққа томон сал эгилиб туриши лозим.

Кўзойнак таққанингизга икки ҳафта бўлмай унга ўргана олмасангиз, албатта шифокорга учрашинг. Сизга мос келмаган кўзойнак билан юриш жуда ҳам хавфли.

Кўзойнакни ўта эҳтиёткорлик билан тутиш лозим. Шишасининг қаварик томони билан столга қўйманг, чунки бундай қилсангиз, линза юзаси бузилади. Ундан фойдаланмаётган пайтингизда албатта ғилофга солиб қўйинг.

Кўзойнакни бир парча пахмоқ латта билан артиб туринг. Агар у жуда кир бўлиб кетган бўлса, иссиқ сувда совунлаб ювиш ва қуригунча артиш лозим.

Бу буюм ҳам бошқа нарсалар каби вақт ўтиши билан эскиради. Унинг «ошиқ-мошиғи» бўшашиб қолганда, мурувватини аста бураб қўйинг. Умуман, эҳтиёткорлик билан муомала қилинган кўзойнак сизга узоқ вақтгача хизмат қилади.

Развеянные мифы

СУПЕРСПОРТИВНЫЙ = СУПЕРЗДОРОВЫЙ

Большинство из нас полагают, что чем больше мы упражняемся, тем сильнее и здоровее мы становимся. Однако есть мнение, что избыток физической активности может быть таким же разрушительным, как и ее недостаток.

Чрезмерная нагрузка может повредить мышцы, кости и связки. Занятия спортом более двух часов в день могут вызвать массу проблем со здоровьем: хроническая усталость, плохой сон, головные боли, депрессия, желудочно-кишечные проблемы...

Рекомендуется 30 минут ходьбы в день, полчаса аэробной тренировки три раза в неделю и работа с отягощениями в течение 30 минут один раз в день.

ХОЛЕСТЕРИН – ПРИЧИНА ЗАБОЛЕВАНИЙ

Баъзан «биз кичкина одаммиз», «фақир киши панада» каби «камтарона» эътирофларни эшитиб қоламиз. Бу шўронинг ҳаммани тенглаштириш, аниқроғи, ҳаммани майдалаштириш сиёсати оқибати бўлса, ажабмас. Аслида, бу «камтарлик» остида масъулиятдан қочиш, писмиқлик, худбинлик ва айёрлик яширинган. Ўша кичкина одам панада «катта ишлар»ни қилади, катта-катта еб-ютади. Лекин бўйнига асло жавобгарликни олмайди. Дунёни сув босса, ўрдакка нима ғам, дейди. Мана шу майдалик туфайли эртага фарзандлари, неваралари, бир сўз билан айтганда, келажаги нима бўлишини ўйламайди, ўйлашни истамайди. У шу бугуннинг ғамида, қорнининг ташвишида кун кўради. Ҳа, яшамайди, айнан кун кўради.

Ҳозир қишлоқлардаги маҳалла гузарлари обод бўлиб қолган. Афсуски, шу чиройга ҳуснбузар бўлиб турган уч-тўртта бекорчихўжани деярли ҳамма жойда кўриш мумкин. Бир тоифаси «Яратган эгам ризқиниям беради» дейди, мабодо намозхон бўлса, ибодат сўнгида Парвардигорга ҳам илдао қилади: «Мана мен, сенинг шартларингни бажаряпман, сен ҳам жаннат ваъдасини бергансан», қабилида ўзича шартнома тузмоқчи бўлади. Астағфуриллоҳ, деб айтгай, буларнинг эътиқоди ҳам дунёқараши ва кўнгли каби тор. Улар ташқи аломатларни бирламчи санайдилар. Таҳорат деганда фақат баданини тозалашни тушунадилар. Ҳолбуки, ҳамма ишда юрак поклиги, қалб тозалиги асосийдир. **«Албатта, Аллоҳ Таоло тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади» («Бақара» 222).**

Айни шу ғофил зотлар уч аср давомида миллатни чиммату паранжига чирмаб, хурофот ботқоғига судраган. Ёв ўтолмайди, деб Оқ мачит теграсида куфсуф қилиб, ғойибона девор тортиб, Худоёрхоннинг «жонига оро кирган». Тарихдан озгина хабардор одам жаҳолатнинг оқибатини яхши билади.

Яна бир тоифа айш-ишратга муккасидан кетган, на бола-чақа тарбияси, на жамият ва на келажак қайғуси бор. Беш куним – хуш куним, дейди. Уларнинг, юмшоқ қилиб айтганда, жониворлардан фарқи йўқ. Улуғ муҳаддису уламолар, жаҳонгир саркардалар ҳақидаги ҳикояларни эртак деб ўйлашади. Эртага – ё Раззоқ, деб ўзларини овутишади. Бундан минг йилча аввал бобокалон сўз заргари Маҳмуд Кошғарий «Оғилда қулун туғилса, ариқ бўйида ўти унади», деб ёзганидан ва мутафаккир донишманд ўша ўтни чимдиш учун ариқ ёқасига бориш, яъни интилиш, ҳаракат қилиш, изланиш, заҳмат чекиш кераклигига ишора этганидан улар мутлақо бехабардирлар.

Яна бировлар давлатга осилиб олган. Гўё давлат уни бир умр боқиши керак, эъзозлаб,эътибор кўрсатиши, вақтивақти билан мукофотлаб туриши лозим. «Қайси кароматлар эвазига, тақсир?» деб берилган савол, табиийки, жавобсиздир.

ЎТМИШ БИЛАН ФАХРЛАНИШ КЕРАК, ИФТИХОР ҚИЛИШ ЗАРУР, ЛЕКИН БИЗ ФАҚАТ ШУ БИЛАНГИНА ЧЕГАРАЛАНИБ ҚОЛИШИМИЗ МУМКИН ЭМАС. САБАБИ – ФАҚАТ ЎТМИШ ОБРЎСИ БИЛАН ЯШАБ БЎЛМАЙДИ.
ИСЛОМ КАРИМОВ.

Японлар ундоғ яшайди, корейслар бундоғ, деб ёнбошлаган кўйи оғиз кўпиртиришади. Ўша японлар кечаю кундуз чумолидек тиним билмасликларини, ишлаганда мақсадли тер тўкишларини, «Ҳаёт – уммон, ҳаракатсиз одам тошдек чўкиб кетади», деган шиор билан яшашидан, албатта, бехабар. Буёғини ўйлагиси ҳам келмайди. Қайси мамлакатда мактабу лицейлар, коллежлар беминнат хизмат қилади, болаларни ўн саккиз ёшгача бепул ўқитиб, касб-ҳунарли қилади? Шунақа эртакнамо юрт борми?

Биз буюк даҳолар номини санаб мақтанишни яхши кўрамиз. Уларнинг номлари гўё кўкрак нишони-ю, биз ўзгалар кўзини ўйнатмоқчимиз. Уларнинг заҳматлари, ўз оромларидан, шахсий ҳаётларидан кечиб, миллат учун умрларини фидо қилганлигини кўпам мушоҳада қилавермаймиз. Улар катта орзулар, буюк ниятлар билан яшаганлар. Бундай ҳаёт кўплар ўйлагандан машаққатлироқ, оғирроқ ва ғоят таҳликали бўлган. Ҳатто ажал чангали ёқаларидан тутганда ҳам на Соҳибқирон, на Бобур Мирзо ўз ғоя-эътиқодидан қайтган эмас. «Бобурнома»ни бир бор диққат билан мутолаа қилган одам бунга имон келтириши тайин. Саркардаларга ҳаловат ҳаром-да, дегувчиларга маънавият даҳоси Навоийнинг турли кентлардаги чеккан заҳматларини эслатиш кифоя бўлса керак. Агар уларда ҳам биз кичкина одаммиз, деган ўзини алдаш афюни бўлганида, тарихимиз чўлу биёбондек шип-шийдам бўларди. Шеърият султонининг **«Тухм ерга кириб чечак бўлди, Қурт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухмича ғайратинг йўқму?! Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!»** деган таажжуби бугунги ақлан ва жисмонан танбалларга маломатдек янграйверади.

Биз бировларнинг етовига муҳтож эмасмиз, ўзгалар таклиф этаётган «ҳаммабоп» либос бизга ярашмайди. Бировнинг кемасига чиқиб, кўр-кўрона кетаверишга ҳаққимиз йўқ, чунки бизнинг йўқотадиган нарсамиз – беназир меросимиз ҳаддан зиёд кўп. Энди ҳамма гап шу меросга муносиб ворис бўлишда!

Ўтмиш билан фахрланиш керак, ифтихор қилиш зарур, лекин биз фақат шу билангина чегараланиб қолишимиз мумкин эмас. Сабаби – фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди Ислом Каримов.

Дунё қизиқ экан-да. Бир нарсани кузатдим: ўзига тўқ бойваччалар кўпроқ замондан нолишади. Хом сут эмган банда, бўлган сари бўлсам, дер экан, қаноатни, шукронани унутаркан. Кечагина баландроқ уй қуриш, каттароқ тўй қилиш, масжид тугул жанозага бориш, чет элга чиқиш қирқ чиғириқ азоби бўлганини аллақачон эслан чиқариб юборишган. Гўё бу имкониятлар осмондан тушди-ю, унга абадий хатлаб берилди.

Шуларни ўйлаб, «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган чорлов фақатгина уй-жой, кўрғон маъносида эмас, балки кўнгил уйи, қалб кўрғони ҳақида эканлигини идрок этасан. Ҳовлига кириб олган бегона итни таёқ билан уриб ҳайдаш мумкин, аммо кўнгилга оралаган фитна-бузуқликни, таъмагирлик ва қўрқоқликни, хуллас, ёт ғояларни ҳайдаб чиқариш осон эмас.

Устозим Муҳаммад Юсуф бир учрашувда «Мен – истиқлол аскариман, юрагим қалқон!» деб хитоб қилганди. Майдонда саф тортиб турган ёшқур укаларимга қарайман: юрагим фахру ифтихорга тўлади. Улар қутлуғ мамлакатимизнинг эртанги ҳимоячилари, ҳаётини Ватан истиқболи ва истиқлолига тиккан жўмард йигитлар. Улар тобе юртнинг тақдир изига ташлаб қўйилган қаровсиз болалари эмас, Буюк Иродадан куч олган, ибрат мактабини яратган ўз Олий Бош қўмондонига эга, суянган тоғи – ишонган боғи бўлган мустақилликнинг аскарлари – темурийлар, бобурийлардир. Ўзимни шу сафда, шу жўшқин қаторда ҳис қиламан. Бу саф бузилмас, метиндек мустаҳкам, келажаги ёруғ бир бутун ЎЗБЕКнинг қутлуғ сафи!

Асрий чинорлар ўктам қасамёд шиддатидан тин олади:

…ХАЛҚИМГА, ПРЕЗИДЕНТИМГА САДОҚАТЛИ БЎЛИШГА ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири.
(«Халқ сўзи» газетасининг 2006 йил, 9 август сонидан олинди).
Комилиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

БОБУРШОҲ САБОҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бироқ, салтанат саркори бўлиш, қисқа умри давомида кўплаб муҳорабаларда ғолибликни қўлга киритиш Бобурнинг тақдирига битилган эди. Бунда ҳам ёш Бобур ўз қариндошларини қаро этиб «Хон дадамга кўрунуш қилиб, Шоҳбегим қошиға келур эдим. Ўз уюмдек бош яланг, оёқ яланг кирар эрдим. Охир мундоқ саргардонликтин ва бу навъ бехонумонликтин жонға еттим. Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб йитсам яхши. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши. Хитойға бормоқни жазм қилиб, бош олиб кетмакка азм қилдим. Кичикликдин бери Хитой сариға ҳавасим бор эди. Вале салтанат ва алойиқ жиҳатидин муяссар бўлмас эди. Салтанат худ борди. Онам ҳам оналариға, иниларига қўшилдилар. Сайр мавонииъ рафъ бўлди, ул дағдағалар дафъ бўлди», дер экан, у ўша даврнинг саргардонлик кўчаларига кириб қолганлигини кўрамиз.

Шу ҳолатга тушган Бобурни хон додалари, бувиси Шоҳбегим яна қайта нажот кўчасига олиб кирадилар. Бобурга узоқ уруғдош бўлган хонлар «Қанбар Алини ва Сориғбош мирзо итарчини черик доруғайи этиб» унга қўшиб қўядилар. Бу ўша давр давлатчилигидаги одат бўлган. Агарчи Бобур бу маҳалда 20 ёшни қоралаётган, муҳорабаларда анча пишган бўлса ҳам, Хон боболари яккалиги, қолаверса, уларга интилиб кетганлигини инобатга олиб бўлса керак, икки бекни унга «доруғай» – маслаҳатчи даражасида тайинлаганлар.

Ўша даврда темурийлар лашкарбошилари, айниқса Тошкентда мўғул уруғларидаги хонлар бўлиб, Бобур ҳам бу гал уларга суяниб келган эди. Бу хонлар ҳам Заҳириддин Бобурга тааллуқли Фарғона давлатини вақтинча эгаллаган Аҳмад Танбал мирзо дастидан қайтариб олишга, бу «лахм улуш»дан ўзлари ҳам баҳраманд бўлишга ошиқар эдилар. Шунинг учун улар «чериклари ўттиз минг ченар» эканлар, Андижон тахтини эгаллашга ошиққан эдилар. Аслида бу ҳарбий юриш Бобурни яна Андижон тахтини эгаллашига сабаб бўлиши ҳам мумкин эди.

Шундай қилиб, Бобур тарафдорлари бирин-кетин қўрғонларни эгаллай бордилар. «Саҳар вақти Ўш қўрғонига ғофиллиқта етиштук. Ўш эли чора қила олмадилар. Ўшни топшурдилар. Биттабъ вилоят эли бизни кўп тилар эдилар. Танбалнинг қўрқинчидин ва бизнинг йироқлиғимиздин чораларини топа олмаслар эди», деган Бобурнинг фикридан ўша даврдаги оддий халқнинг руҳий ҳолати, давлат бошқарувида шахс мавқеини белгилаганлиги, Аҳмад Танбал зулмидан қўрқув, ҳадиксираш кайфияти ва Бобурнинг давлат бошқарувини қўллаш мазмунини англаймиз. Агарчи, Андижонга бу пайтда Аҳмад Танбал ҳукмрон бўлса ҳам Ўшдагидек «Андижоннинг эли ҳам биттабъ мени тилаб эдилар, вале чораларини топа олмаслар эди, хотирға еттиким, бир неча Андижоннинг ёвуғига бориб, киши киёруб, хожа ва арбоблари билан сўзлашсак, эҳтимоли борким, бизни бир тарафдин киюргайлар», деган хулосага келади, Бобур. Бу сатрлар истеъдодли саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Бобурнинг дипломатик маҳоратига ҳам мисол бўла олади. Айни пайтда бу мақсад, барибир, ҳали муҳим муҳорабаларда чиниқмаган Бобурнинг маълум даражада соддалиги, мақсад сари тез интилиши, шошқалоқлиги ҳам эди. Чунки, Бобурга нисбатан ёши анчагина катта, тажрибали, қаҳри қаттиқ султон Аҳмад Танбал Андижонни шунчаки қўлдан берадиган саркарда эмас эди.

Бобур таржимаи ҳоли ва саркардалик тарихида муҳим ўрин эгаллайдиган бу воқеа унинг келгуси муҳорабалари учун ибрат дарсини ўтаганлигини кўрамиз. Бобур рақиби, салтанат душмани Аҳмад Танбал билан биринчи марта юзма-юз, жиддий, ҳаёт-мамот жангини ўтказади. Ушбу муҳораба «Бобурнома»да энг ёрқин, бадиий юксак, икки саркарданинг маҳоратини белгиловчи нодир манзаралар орқали тасвирлаб берилган. Бунда ўқувчи юксак руҳий ҳолатларни ҳам, Бобурнинг жангчи сифатида шахсиятини улуғловчи дадилларни ҳам кўради. Асарнинг бугунги ҳарбий таълим дарсликларини безовчи жанг саҳналарини бизга етказган нодир сарчашма эканлигига амин бўлади. Айниқса бу парчалар Заҳириддин Бобурнинг ўта мардлиги, муҳораба майдонида шаҳзода бўлса ҳам мақсади сари ўлимга тикка қараб бориши, довюраклиги ва умуман, шахсий жасоратига оид кенг маълумот беради. Бобурнинг бу жасорати бугунги армиямизда хизмат қилаётган аскар, сержант ва офицерлар учун ажойиб ибрат мактаби вазифасини ўташи аниқ. Шу боис жанг кенгроқ таҳлил этишни тақозо этади.

Ушбу муҳорабанинг дебочасида «Бобурнома»да муаллиф шундай ёзади: «Бовужудким, Танбалнинг бузулуб, ёниб Андижонға келур хабари бор эди, **бетажрибалиқтин ғафлате бўлди»** (таъкид бизники – Ҳ.Қ.). Ана шу жумла замирида Бобурнинг шуҳрати жаҳонни тутгани, «Бобурнома»га турли мамлакат олимларининг меҳр қўйганликлари асосий белгиларини кўрамиз. Ҳамма гап Бобурнинг ўз бошидан кечирган воқеаларни асарида борича, ростини ёзгани, ҳатто ўзининг камчиликларини ҳам сира беркитмай баён этганлигидадир. Бу воқеада ҳам Бобур агарчи ҳийлакор рақиби Аҳмад Танбал билан урушга киришга келган ва Андижон томонга қараб йўлга тушган бўлса ҳам, ўзининг лашкари ва атрофдагиларнинг бепарволиги, «қоровул йўқ, жангдовул йўқ, ғофил» уйқуда бўлганлигини ёки Бобурнинг ўз ибораси билан айтганда, «жанг бошида эл чучук уйқуда бўлган» бир пайтда Бобур беки «Қанбар Алибек қатраб, қичқириб айттиким, ёғий етти, қўпунг» деб келишини – муҳораба манзарасини қандай бўлса шундай, очиқчасига қаламга олганини кўрамиз.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.
(Давоми бор).

В ОСО «Ватанпарвар»

В ДУХЕ ВЕРНОСТИ СЛАВНЫМ ТРАДИЦИЯМ

За годы существования райсоветом ОСО «Ватанпарвар» Учтепинского района столицы многое сделано по военно-патриотическому воспитанию молодежи, подготовке специалистов для армии и народного хозяйства страны. Эта организация постоянно занимает призовые места в городском соревновании на лучшую постановку оборонно-массовой работы.

Наш корреспондент встретился с председателем райсовета ОСО «Ватанпарвар» Б. Рашидовым и попросил его ответить на ряд вопросов.

– Наш народ по праву называет ОСО «Ватанпарвар» школой мужества, патриотизма. Расскажите, пожалуйста, об основной цели возглавляемой вами организации.

– Основной нашей целью является содействие укреплению оборонной мощи Вооруженных Сил, подготовке широких масс, в частности молодежи, к труду и защите Родины. Созданные при трудовых коллективах, учебных заведениях первичные организации объединяют в своих рядах тысячи молодых людей. Они готовят их к защите нашего независимого Отечества, повышают политический, нравственный уровень, воспитывают их в духе верности богатой истории нашего народа, его славным традициям и духовным ценностям.

– За прошедшие годы у вас, видимо, выработались свои формы и методы военно-патриотического воспитания молодежи?

– Проводятся лекции, беседы с молодежью, семинары, сборы с председателями первичных организаций. Будущие защитники Родины совершают экскурсии в музеи, посещают воинские части, где знакомятся с жизнью, учебой и бытом сегодняшних воинов, имеющимися в их распоряжении техникой и оружием. Организуются встречи с участниками войны 1941 – 1945 гг., проводятся вечера вопросов и ответов, на которых, как правило, присутствуют офицеры районного отдела по делам обороны. Большой популярностью у молодежи пользуются спартакиады, соревнования по различным видам спорта, игры «Шункорлар», «А ну-ка, парни!», «Веселые старты», конкурсы стенных газет и боевых листков. Серьезное внимание у нас уделяется развитию военно-прикладных видов спорта. С этой целью работают различные секции и кружки, которые охотно посещают многие юноши и девушки района. Именно отсюда проложили дорогу в большой спорт И. Андрющенко, А. Коробко, В. Русанова, С. Юньков и многие другие. Стало также традицией проведение учебно-методических и учебно-полевых сборов с юношами допризывного и призывного возраста. Активное участие в военно-патриотической работе принимают все наши первичные организации, а особенно те, где председателями А. Беляков, В. Назаров, В. Зайцев, М. Зияев, А. Юлдашев, Л. Бондаренко, М. Парманкулов, Н. Шлаев и другие. Многие из них являются преподавателями начальной допризывной подготовки. На проводимых занятиях они особое внимание обращают на физическую закалку юношей, обретение ими глубоких знаний по НДП.

– Гордостью вашей оборонной организации является спортивно-технический клуб (СТК). Что вы можете рассказать о его работе?

– Свыше тысячи человек ежегодно обучаются в нашем СТК, приобретая специальность водителя. Здесь создана хорошая учебно-материальная база, позволяющая проводить занятия на уровне современных требований. Созданы все условия для обучения курсантов, их содержательного досуга, включая занятия спортом. В их распоряжение предоставлено 12 учебных классов, комнаты отдыха, тир, работают различные спортивные кружки. Высококвалифицированные преподаватели, мастера своего дела осуществляют на высоком уровне учебно-воспитательную работу. Примечательно, что очередную годовщину образования нашей оборонной организации мы отмечаем в преддверии большого государственного праздника – 15-летия независимости нашей страны. В своей деятельности мы особое значение придаем воспитанию молодежи в духе идеи национальной независимости. Наша совместная деятельность с государственными, общественными и другими организациями послужит дальнейшему укреплению безопасности и оборонной мощи нашей страны.

Беседовал Сергей БУДАЕВ.



Советы специалиста

ХОЛЕРА И ЕЕ ПРОФИЛАКТИКА

Холера – острое инфекционное кишечное заболевание, относящееся к группе особо опасных инфекций. Это заболевание постоянно регистрируется в странах Азии и откуда распространяется во многие страны.

В Республике Узбекистан проводятся различные профилактические мероприятия против кишечных инфекций на местах. В воинских коллективах во всех гарнизонах также усиленно проводится соответствующая работа по недопущению заболевания личного состава. Но кажущееся спокойствие в эпидемической обстановке по холере не говорит о снижении напряженности. Нужно быть всегда начеку! С каждым днем все шире раздвигаются культурные и экономические связи между государствами. Потенциальная опасность заноса этой инфекции значительно увеличилась в последнее время, и она может быть занесена на нашу территорию сухопутным, водным и воздушным путем.

Как же проявляется холера, как она передается, как от нее уберечь себя и своих близких?

Заболевание вызывается особым микробом – холерным вибрионом. Источником инфекции является человек больной, переболевший или вибриононоситель, выделяющий вибрионы во внешнюю среду с испражнениями и рвотными массами.

По своим признакам холера схожа со многими желудочно-кишечными заболеваниями. Человек может заболеть в любом возрасте и в любое время года, но особенно высока заболеваемость холерой летом и осенью. Возбудитель холеры проникает в организм человека только через рот. Основными факторами передачи этой инфекции являются: вода, пищевые продукты, мухи, руки, предметы домашнего обихода.

В проточной воде холерные вибрионы выживают в течение 3 – 5 дней, а при благоприятных условиях (определенная температура) даже размножаются.

Наибольшую опасность для распространения возбудителя представляет вода, продукты и блюда, не подвергающиеся термической обработке перед употреблением (салаты, винегреты, сливочное масло, молоко). В молоке холерные вибрионы хорошо размножаются и сохраняются живыми до скисания молока, в сливочном масле выживают до 30 дней.

При отсутствии канализации и скоплении отбросов холерные вибрионы переносятся мухами.

Все острые кишечные заболевания считаются «болезнью грязных рук», не исключение и холера. Поэтому соблюдение личной гигиены является главенствующим звеном в предупреждении возникновения заболеваний холерой.

С начала заражения до появления первых признаков болезни проходит скрытый период, который длится от нескольких часов до 7 суток (в среднем 3 – 5 дней).

В отличие от других заразных болезней заболевание, как правило, протекает без повышения температуры. Внезапно, чаще всего ночью, появляется обильный, жидкий, все учащающийся понос без напряжения и болей. В отдельных случаях болезнь начинается с рвоты, иногда отмечается головная боль, слабость, озноб, сердцебиение. Может быть похолодание конечностей, боль в области жевательных мышц, чувство тяжести в желудке. При среднетяжелой форме частота стула достигает 15 – 20 раз в сутки, что сопровождается массивной потерей жидкости от 5 – 6 литров до 15 – 20 литров за 24 часа, и несвоевременное оказание помощи может привести к смертельному исходу.

Встречаются также и быстропротекающие формы болезни без рвоты и поноса. Наряду с тяжелыми явлениями, заканчивающимися смертью, холера может протекать как умеренное или легкое расстройство желудочно-кишечного тракта.

Ни в коем случае нельзя заниматься самолечением! Это может привести к переходу в скрытую форму, вибрионосительству или неблагоприятным исходам, а также представляет опасность для окружающих.

Быстрому распространению холеры способствуют антисанитарные условия окружающей среды и быта. Нужно строго соблюдать правила личной и общественной гигиены: мыть руки после работы, посещения туалета, перед приемом пищи, мыть и обдавать кипятком плоды и овощи, не пить сырой воды из арыков, колодцев и других непроверенных источников (водоемов), которые могут быть загрязнены выделениями больных.

Для недопущения возникновения данного заболевания необходимо: постоянно проводить очистку территории, своевременно вывозить нечистоты, обеззараживать уборные, места сбора мусора и отходов, вести борьбу с мухами, соблюдать правила личной и общественной гигиены.

Запрещается купание в неизвестных водоисточниках.

Для питья необходимо использовать только кипяченую воду.

Подполковник медицинской службы
Бахром ХАКИМОВ,
начальник отделения
особо опасных инфекций
Центра санитарно-эпидемиологического
надзора Министерства обороны.

ЭКОЛОГИЯ ВА БИЗ

ҚАЛБИМИЗ УЙҒОҚ БЎЛСИН



Экологик таназзул – жўғрофий муҳитнинг унинг ичида содир бўлган ўзгаришлар туфайли инсон яшаши учун маъқул бўлмаган ҳолатга келганида билинади. Табиий муҳит инсон ва умуман, жамиятнинг яшаш шароитини таъминлайдиган асосий манба бўлгани учун экологик таназзул муқаррар равишда ижтимоий-иқтисодий, маданий таназзулга айланади.

Инсоният тарихи жуда кўп экологик таназзулларни бошидан кечирган ва уларнинг ҳар қайсиси жамиятда жуда жиддий эврилишларни юзага келтирган. Ҳар гал инсониятга глобаллашув таҳдидларини ўйласам, кўз ўнгимда Орол фожиаси бор бўй-басти билан намоён бўлади. Табиат зуғумни кечирмаслиги ҳақиқат. Китоб жавонимда муаллиф дастхат ёзиб берган «Письма, на тот свет дедушке» («Бобомга хатлар») китобини қўлимга оламан. Уни узоқ варақлайман: қорақалпоқ халқининг забардаст ёзувчиси Тулепберген Қайипбергенов Орол ҳалокатини отанинг ўлимига, Амударё ва Сирдарёнинг қуриб қолишини эса онанинг ўлимига қиёслайди. Қорақалпоқ халқининг оғир мусибатига айланган Орол денгизи атрофидаги экологик бўҳрон собиқ шўролар даврида мавжуд бошқарув усулининг ярамаслиги ва мамлакат аграр хўжалиги узоқ йиллар давомида режасиз юритилганлиги натижасида содир этилганлиги барчага аён.

Талабалик кезларимда Тулепберген Қайипбергеновнинг «Литературная газета»сида Оролбўйи минтақасида болалар ўлими ҳақида ёзилган мақоласини ўқигандим. Унда ёзилишича, республиканинг қатор туманларида шифокорларнинг чақалоқларни она сути билан боқишни ман этишгани хусусида гап боради. Сабаби, она сути заҳарланган. Ақл бовар қилмайдиган бу мусибатни ҳазм қилиш қийин.

Ёзувчининг Москвада «Мир» нашриётида чоп этилган «Письма, на тот свет дедушке» китобини шунчаки мутолаа қилиб бўлмайди. Унда миллатларнинг муштарак дарди, ўша долзарб ва ҳаётий масала – экологик таҳдид гоят таъсирчан бадиий талқин этилади. Бунгача оқсоқол адибнинг Орол ва Оролбўйининг экологик ва иқтисодий муаммоларига бағишланган қатор мақолаларини ўқиб юрагимда хайрихоҳлик уйғонганди. Ахир, кўз ўнгимизда пахта яккаҳокимлиги натижасида ишдан чиққан тупроқ, ҳатто меҳнаткаш халқ устидан сепилган хилма-хил кимёвий дорилар маҳаллий аҳолининг саломатлигига жиддий хавф туғдираётган маҳалда жамоатчилик эътиборини қаратиб, ўткир сўзни қурол қилиб отилиб чиқиш, одамларни уйғоқликка даъват этиш жасорат эди! «Бобомга хатлар» ана шу залворли оғриққа қарши қорақалпоқ халқининг нидоси, аччиқ ҳақиқатнинг эътирофи сифатида юзага келган.

Ёзувчи «Қорақалпоқман, таваккалчиман» китобида таъкидлаганидек, «Бировлар китобга оёқ босма, у жонли зот, дейди. Ишонайми?

–Ишонинг! Китоб чиндан ҳам қаттиқ уйқудаги инсон каби нарса. Агар уни ётган жойидан қўлингга олиб саҳифаларини очиб қарасанг, у аста уйғонади ва сен аввал эшитмаган, билмаган воқеаларни, доноликларни ўзи сенга гапира бошлайди...»

Тулепберген Қайипбергеновнинг 1989 йилда Оролбўйи фожиасига бағишлаб қилган чиқиши ҳалигача одамлар хотирасида сақланган. Ўшанда академик Сахаров унинг сўзларидан таъсирланиб қуйидагиларни ёзган эди: «Қамрови ва давомли оқибатлари билан уни сўнгги жаҳон фожиаларига қиёслаш мумкин... Анжумандаги бу чиқиш ўта кучлилардан бири бўлди». Анжумандан ўша чиқиш ҳосиласи ўлароқ, Т.Қайипбергеновнинг «Бобомга хатлар» китоби дардалам, изтиробларга тўла инсоннинг том маънодаги қалб нидосидир.

Китоб қаҳрамонлари «сувга тўла Орол соҳиллари бўйида ўтказган ёшлиги, қачонлардир кучли тўлқинларини ўз бошидан кечирган денгизни эслайди. Мутахассисларнинг сўзига кўра, бугунги Орол дунёга умид ва илтижо кўзлари билан қараётган кекса мўйсафидни эслатади.

Оролнинг ер сатҳидан йўқолиши – бу бир халқ ёки бир мамлакат эмас, балки бутун сайёрамизнинг ўз бошидан кечириши мумкин бўлган кулфат ва мусибатдир.

Бугун бутун инсоният олдида яна кечиктириб бўлмайдиган вазифа кўндаланг бўлиб турибди. Бу – янги экологик муҳит қидириш, мавжуд экологик муҳитни тубдан қайта қуриш вазифасидир. Мутахассисларнинг фикрича, одамларга бир замонлар илмий-техник инқилоб ёрдамида бу муаммони ҳал қилишга тўғри келганди, энди эса фан ва техника экологик таназзул муддатини орқага суришгагина қодир, холос. Чиқиндисиз технологиялар, чиқиндиларни қайта ишлашдаги янги усуллар, дарёларни тозалаш, соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш, энергиянинг янги манбалари катта қарорларни излаб топмоқ учун жиндай қўшимча вақт топишга ёрдам беради, холос. Ган шундаки, инсон фаолияти оқибатида табиат жараёнларидаги мувозанат бузилган эди. Уни бугун ихтиёримизда бўлган усуллар билан қайта тиклашнинг имкони йўқ. Экология чиндан ҳам глобал муаммо, уни фақат ҳамжиҳатлик йўли билангина ҳал қилиш мумкин. Ўз навбатида мутолаа ҳам қалб уйғоқлигига даъват этади. «Бобомга хатлар» китоби шу маънода ҳам қадрлидир. Қурраи замин – бизнинг умумий уйимиз. Унинг учун масъулиятни юракдан ҳис этмогимиз, табиат инъомларини тежаб-тергамоғимиз, ёшларга экологик тарбияни чуқур сингдирмоғимиз зарур.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Бугун дунё улкан экологик муаммоларга дуч келмоқда. Тоза сув захираларининг камайиб бораётганлиги, чиқиндиларнинг ортиб кетаётганлиги, тобора камайиб бораётган биологик турлар, ҳаво атмосфера таркибининг ифлосланиши каби глобал муаммолар ечимига инсоният ўз манфаати учун кечиктирмай йўл топмоғи даркор.

Бундай ҳолат бор ҳақиқати-ю, келтириб чиқарадиган фожиалари билан ҳаммага ҳам етиб борган эмас. Агар кишиларнинг кўпчилик қисми англаб етганида ҳам хазонлар ёқилганда чиқадиган заҳарли тутунлар шаҳар бўйлаб кезмаган, ахлат уюмлари йўлакларда, катта кўча бўйларида сочилиб ётмаган бўлар эди.

Мутахассис олимларнинг таъкидлашларича, ахлат уюмида кўпайган пашшалар полиомиелит ва бошқа жуда кўп юқумли хасталикларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Ёрилган ёки чириган қувурлардан оқаётган сувларда эса юқумли хасталикларни қўзғовчи бактериялар мавжуд бўлади. Чиқинди сувларда вабо вибриони, ошхона супуриндиларида ичбуруғ таёқчаси, қуйдирги микроблари кўп бўлиши аниқланган. Шифокорларнинг фикрича, кўча ва йўлакларда узоқ қолиб кетган чиқинди ва ахлатларда қорин тифи, паратиф (заҳарланиш), туберкулез ва бир қанча юқумли хасталикларни келтириб чиқарадиган микроорганизмлар «яхши» сақланар экан.

Демак, бундай хунук ҳолатларнинг сабабчиси ўзимиз эканмиз. Бундан чиқадики, ҳолатни яхшилаш, табиатга, унинг гўзалликларига эътибор билан қараш, асраб-авайлаш ҳам ўзимизга боғлиқ экан.

Она табиат гўзалликлар манбаи. Ҳамиша соғ-саломат юриш ва узоқ умр кўриш учун хизмат қиладиган ҳар бир нарса табиат қучоғида мужассам. Табиат бағридаги мўл-кўл бойликлар – гиёҳлар, гул ва майсалар, дарахтларни асрасак, улар бизнинг саломатлигимиз, кўп йиллар тинч ва хотиржам яшашимизга беминнат хизмат қиладилар.

Аҳрор ТЎЙЧИЕВ,
ЎзМУ талабаси.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Прибыли для экстрадиции

Шесть сотрудников британских антитеррористических служб прибыли в Пакистан, чтобы договориться о выдаче задержанного в этой стране 25-летнего британского подданного Рашида Рауфа. Предположительно он возглавлял группу террористов, собиравшихся взорвать в воздухе над Атлантикой пассажирские самолеты.



Сдались 116 боевиков

Число боевиков, добровольно сложивших оружие в Чечне, достигло 116 человек, сообщил Интерфаксу пресс-секретарь МВД Чеченской республики Магомет Дениев. За последние сутки с просьбой включить в список лиц, подлежащих амнистированию, в милицию и прокуратуру обратились шесть человек. В частности, добровольно явились в правоохранительные органы Чечни два боевика, входившие ранее в так называемую «национальную гвардию Ичкерии».



Вводятся войска на юг страны

Части ливанской армии начали занимать территории на юге Ливана согласно резолюции Совета Безопасности ООН о прекращении огня. Израиль передает контроль над своими позициями в Южном Ливане наблюдателям ООН, однако говорит, что не уйдет до тех пор, пока здесь не будут размещены ливанские войска и международный миротворческий контингент.



Британцы и хаос в аэропортах

Ужесточение мер безопасности в британских аэропортах оставило многих британцев без автомашин и квартир. Из-за запрета на ручную кладь пассажиры лишь одной авиакомпании «British Airways» до сих пор не могут найти 10 тысяч сумок и чемоданов. Оказавшиеся в стрессе от потерь британцы выбивают стекла в машинах, а также в своих домах, или же вызывают специалистов, чтобы они открыли им родное жилище.



В Евросоюзе ужесточат досмотр

После раскрытия крупного террористического заговора в Великобритании по всей Европе будет введена система «профилирования», усиливающая контроль за авиапассажирами. Об этом договорились накануне на совещании в Лондоне министры внутренних дел стран Европы.



Задержан глава наркокартеля

У берегов Мексики задержан глава одного из сильнейших наркокартелей, действующих у границы США, 36-летний Хавьер Арельяно Феликс. В настоящее время судно, на котором был обнаружен Феликс, и сам наркобарон под конвоем следуют с места задержания в Сан-Диего, штат Калифорния. Наркобарона, если не помешает погода, должны доставить в Сан-Диего в пятницу по местному времени. Тогда же Феликс должен предстать перед судом для предварительных слушаний.



«Ген эволюции»

Ученые обнаружили ген, сыгравший ключевую роль в эволюции обезьяны в человека. Несколько миллионов лет подряд определенная часть генома наших обезьяноподобных предков развивалась в 70 раз быстрее, чем их общий генетический код, пишет влиятельный научный журнал «Nature». Именно это обстоятельство привело к возникновению структуры коры головного мозга человека, что способствовало появлению вида «Homo sapiens» на планете.



Обнаружен «гибридный мутант»

В американском штате Мэн обнаружен труп неизвестного животного, которого местные жители считают странным мутантом. Судя по всему, оно было сбито машиной. На фотографии видно животное темно-серого цвета весом примерно 15–25 кг, с густым хвостом, очень короткой мордой, короткими ушами и изогнутыми клыками, сообщает «Sunjournal.com». Специалисты по дикой природе и экологи отказались ехать в Тернер осматривать останки. Высказывается предположение, что это может быть редкий гибрид волка и собаки.

(www.NEWSru.com).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

МУҲИМ ҚАРОР



Ота-она, Ватан, мустақиллик, виждон, оила, ҳалоллик... Ҳар биримиз учун муқаддас бўлган тушунчаларни узоқ давом эттириш мумкин. Биз эса, улар орасидан оилага бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз.

Жамиятнинг энг кичик ва муҳим бўғини саналмиш оила – муқаддас даргоҳдир. Унинг мўътабару азизлиги меҳр-оқибат, севги-муҳаббат, самимият ва зиё нурини таратишида. Кўнгил хотиржамлик ва дилга ҳузур бағишлашида. Ҳа, ҳар биримиз айнан аввало оилада шаклланамиз, дунё ва унинг барча гўзалликларини таниймиз. Ҳаёт ва одамзод хусусида фикр юрита бошлаймиз. Тўғри, инсон характери, ички дунёсига атрофимиздаги турли шарт-шароит, вазиятларнинг ҳам таъсири бор. Лекин оиладаги муҳит, соғлом турмуш тарзи, берилаётган тарбия, ота-онанинг шахсий намунаси сингари омиллар фарзанд шаклланувида етакчилик қилиши, ўз таъсирини ўтказиши турган гап. «Қуш инида кўрганини қилади», деганларидек, катта ҳаётга қадам ташлаган «полапон» оила анъаналари, қадриятларини сақлашга, давом эттиришга ҳаракат қилади. Вақти келиб, ўз оиласини қурганда ҳам юқоридагиларга амал қилишга интилади.

Инсон ҳаёти давомида ўта масъулиятли ва муҳим қарорларни қабул қилишига тўғри келади. Умр йўлдош танлаш шулар жумласидандир. Чунки ушбу қарор, жиддий танлов бевосита келажакка, мавжуд орзу ва режалар тақдирига, мақсадлар рўёбига дахлдор. «Турмуш қуриш – давлат барпо этишдан кўра қийинроқ», деган экан машҳур сиёсатчилардан бири. Дарҳақиқат, оила қуриш, қарама-қарши жинсли икки инсоннинг умуммақсад йўлида бирлашуви, бир тану бир жон бўлиши ниҳоятда мураккаб жараёндир.

Халқимизда азал-азалдан муносиб жуфти ҳалол танлашда аксарият ҳолларда кўпни кўрган ёши улуғлар, оила катталари ҳал қилувчи сўзни айтишади. Фарзанд бахти, камолини кўзлайди улар, албатта. Қуйида фикр юритмоқчи бўлаётганимиз – Акбаровлар, яъни Акром ака ва Зумрад опаларнинг оиласи ҳам айнан ота-оналари раъйига қараб, ризолиги билан тузилган. Келинг, шу ўринда бу оила соҳиби билан сизларни таништирай.

Капитан Акром Акбаров ёшлигидан мардлар касбига меҳр қўйган, учувчиликка қизиққани боис умумтаълим мактабини тамомлагач, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ҳужжатларини топширган. Курсант бўлиш бахтига мушарраф бўлган ўғлон намунали ўқиши, доим ўз устида ишлаб, изланиши ва машғулотлардаги фаоллиги билан ўз мақсади сари дадил, ишончли одимлади. Курсантлик даври ҳам, ёш офицер сифатида фаолиятини бошлаган илк дамлар ҳам ортда қолди. Ҳозирда у учувчилар қисмида борт катта техниги лавозимида хизмат қилмоқда.

2002 йил ёзи. Катта лейтенант Акбаров ота-онаси, ёру биродарлари билан дийдорлашиш мақсадида туғилиб ўсган гўшаси гўзал водий томон йўл олди. Андижон вилояти Шаҳрихон туманининг Сарой қишлоғидаги жонажон хонадонига кириши билан уни кўрган оила аъзолари саломлашишга, жигарбандини бағрига босишга ошиқдилар. Айниқса волидаи муҳтарамаси кўзда севинч ёшлари билан кенжа фарзандини қарши олди. Минг қилса ҳам она она-да. Ҳар боласини яхши кўрса ҳамки, кенжасининг ўрни бўлакча.

...Шижоатли ва ғайратли ўғли Акром олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш истагини билдирганида, ниҳоятда хурсанд эди, она. Йигитнинг шашти, қизиқиши ва қатъий қароридан яхши хабардор она кўксида ўғли учун, танлаган касби учун фахр туйғуси янада жўш ура бошлади. Зурриёдининг пешонасидан ўпар экан, унга оқ фотиҳа берди. «Баракалла болажоним! Ҳаётда ўз йўлингни, ўз ўрнингни топгин илоҳим», дея дуо қилди. Ҳа, юракдан қилинган илтижо ҳаётда рўёбини топмоқда. Шуларни хаёлидан ўтказиб, эгнидаги либоси ўзига бирам ярашиб турган ўғлини яна бир бор бағрига босди. Унинг юрак уришини ҳис этди. Бундан кўнгли чоғ бўлди, кайфияти само қадар юксалди. Оналик бахти фарзанд билан, унинг камоли ва муваффақияти, ютуғини кўриш билан-да.

Кечки пайт барча оила аъзоларининг овқатланиб бўлганига қарамай дастурхон атрофида ўтиришидан Акром бу ёғига суҳбат қайси мавзуда кетишини олдиндан билардик. Бундай ҳолни илгари ҳам бошидан ўтказган, чунки. Ҳа, кенжанинг бошини икки қилиш, уйлантириш, тўй-томоша кўриш мавзуси оила йиғилишида кун тартибидаги асосий масала сифатида тилга олиниши турган гап. Шундай бўлди ҳам. (Азиз ўқувчи, бундай суҳбатлар гувоҳи бўлгансиз, албатта. Агар бўйдоқ бўлсангиз, демак, ҳали ҳам эшитаяпсиз!) Хуллас, у бўлди, бу бўлди ва ўзларининг Шаҳрихон туманидаги қўшни – Оқолтин қишлоғидан кўз остига олиб қўйилган Зумрад исмли қиз номзодига тўхталишди. Қизнинг таърифу тавсифини эшитган йигит рози бўлмай иложи ҳам йўқ эди. Буни қарангки, қиз билан учрашув, тўй тараддуди, никоҳ оқшоми бир ойда ўтдикетди. Ҳозирда уларнинг ўғли – Аброрбек уч ёшда.

Дарвоқе, Зумрад ҳам ҳарбий қисмда фаолият кўрсатади. Қуролли Кучлар хизматчиси Андижон давлат тиббиёт институтини битирган бўлиб, у айни пайтда тиббиёт пунктида шифокор. Келажакда ўз билим ва малакасини ошириш нияти ҳам йўқ эмас.

– Ҳарбийнинг аёли бўлиш ҳам шарафли, ҳам ўзига яраша машаққатлидир, – дейди водийлик шифокор. – Ватан ҳимояси масъулиятли вазифа. Турмуш ўртоғим шундай шарафли касб соҳиби эканлигидан доим фахрланаман. Тўғри, хизмат юзасидан гарнизондан гарнизонга кўчиш, янгича муҳит, ўзгача шарт-шароит бир оз ноқулайликлар туғдириши мумкин. Бироқ ёнингда севган инсонинг, ишонган тоғинг ва мустаҳкам қалқонинг бўлганида бундай нарсалар кўзга кўринмайди.

Қийинчиликларни тенг тортаётган, мавжуд муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этаётган, бир-бирига елкадош, энг яқин дўст ва муносиб йўлдош бўлиб келаётган Акбаровлар оиласи бошлиғи мамнуният билан шундай деди:

– Ўзимни бахтли инсонлар қаторига қўша оламан. Чунки, севимли касбим билан машғулман. Мени тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган, меҳрини аямайдиган, доим далда бўладиган аёл билан турмуш қурганман. Ширидан шакар ўғилнинг отасиман.

Капитан Акром Акбаров хонадонидан йироқлашар эканман, «бахтли инсонлар, бахтли оилалар кўпаяверсин», дедим.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

К ВАШЕМУ СТОЛУ

ТВОРОЖНИК



СОСТАВ: Творог 600 г, яйца 4 шт., мука (или манка) – примерно 3 ст. ложки, сахар 100 г, ягоды 300 г.

Белки отделить от желтков. Желтки взбить с сахаром до бледно-желтого цвета, добавить творог и муку. Тщательно все перемешать.

Ягоды промыть, обсушить. Если ягоды очень большие, разрезать на половинки. Обвалять клубнички в муке, чтобы ягоды припудрились, и добавить в творог. Осторожно перемешать, чтобы не травмировать ягоды.

Яичные белки взбить до мягких пиков, добавить в творог и аккуратно сверху вниз перемешать, чтобы белки не осели. Выложить творожную массу в смазанную маслом и припудренную мукой форму. Выпекать при 180 градусах Цельсия около часа. Готовый творожник оставить остывать в духовке. Разрезать на кусочки и подавать со сметаной.

ПРИМЕЧАНИЕ. На нижнюю полку духовки можно поставить емкость с горячей водой. Дно творожника не подгорит.

БАКЛАЖАНЫ, ЗАПЕЧЕННЫЕ С СЫРОМ

Баклажаны 800 г, сыр твердый – 100 г, томатный соус 400 г, яйца 3 шт., мука пшеничная 0,5 стакана, масло растительное 4 ст. ложки, масло сливочное 1 ст. ложка, перец черный молотый, соль по вкусу.

Баклажаны нарезать вдоль ломтиками толщиной 1 см, посолить и выдержать 30 минут. Затем обсушить.

Яйца взбить с добавлением перца и муки.

Баклажаны обвалять в яично-мучной смеси и поджарить с двух сторон на растительном масле.

В форму, смазанную маслом, налить половину соуса и уложить баклажаны слоями, пересыпая половиной сыра, натертого на крупной терке. Залить оставшимся соусом, посыпать оставшимся сыром, сбрызнуть растопленным сливочным маслом и запекать 15 минут при 200 градусах Цельсия, накрыв фольгой. Затем фольгу снять и запекать еще 15 минут до образования золотистой корочки.

СЫРНЫЙ СУП С ФРИКАДЕЛЬКАМИ

Мясной фарш 300 г, картофель 3 шт., морковь 1 шт., лук репчатый 1 шт., сыр 50 г (можно больше), перец душистый горошком, соль, зелень по вкусу, масло растительное для обжарки.

Картофель нарезать кубиками, положить в кипящую воду и варить до готовности. Лук и морковь мелко порезать. Разогреть сковороду, добавить масло, положить измельченную морковь и обжарить до осветления. Добавить лук и обжарить вместе с морковью до золотистого цвета. Выложить зажарку в бульон с картофелем.

Из фарша слепить фрикадельки и добавить в суп. Уменьшить огонь и варить фрикадельки до готовности, не забывая снимать образующуюся пену.

В готовый суп добавить тертый сыр, размешать, дать ему расплавиться и снять кастрюлю с огня. Разлить суп по тарелкам, посыпать зеленью и подать на стол.

БАКЛАЖАНЫ «ЛЕТНИЕ»



Состав: баклажаны 1 кг, чеснок – 7–8 зубчиков, лук зеленый 150 г, масло растительное 1 стакан, базилик, кинза, зелень укропа и петрушки, соль.

Баклажаны нарежьте вдоль ломтиками, посолите, выдержите 20–30 минут, промойте, обсушите и обжарьте на масле.

Зелень мелко порубите, соедините с мелко нарезанным луком и тертым чесноком.

Подготовленную смесь уложите на баклажаны и сверните их трубочкой.

При подаче оформите зеленью.

МАЛЕНЬКИЕ ТВОРОЖНЫЕ ТОРТЫ

Творог 250 г, яйца 2 шт., сахар 75 г, тертая цедра одного лимона, сок 0,5 лимона, сметана 100 г, ванильный сахар 1 ст. ложка, бисквит сухой измельченный 100 г.

Смешайте протертый творог с яйцами, сахаром, лимонной цедрой и лимонным соком. Выложите смесь в смазанные маргарином формочки.

Запекайте 15 минут при 180 градусах Цельсия, выньте из духовки.

Смешайте сметану с ванильным сахаром и смажьте приготовленным кремом поверхность тортов. Запекайте 5 минут при 220 градусах Цельсия.

Выньте из духовки, посыпьте бисквитными крошками. Охладите. Подавайте с ягодами.

ТОРТ «ЯГОДКА»

Яичный белок 4 шт., сахар 1 стакан, масло сливочное 500 г, сахарная пудра 400 г, какао-порошок 100 г, кофе молотый 2 ст. ложки, молоко 70 г, ягоды (клубника, вишня, смородина) 1,5 стакана, зелень мяты.

Белки взбейте в устойчивую пену, добавьте сахар. Полученную массу выложите в виде трех овальных коржей и 10–15 маленьких меренг на выстеленные пергаментом противни. Коржи выпекайте 2 часа при 100 градусах Цельсия. Меренги выпекайте отдельно.

Для крема масло взбейте с сахарной пудрой и какао-порошком. Кофе всыпьте в кипящее молоко и варите 3 минуты, затем процедите, охладите и смешайте с кремом.

Остывшие коржи смажьте частью крема и уложите один на другой. Сверху нанесите крем, оформите торт ягодами и листьями мяты. Бока торта смажьте кремом и оформите раскрошенными меренгами.

ЧИМИЛДИҚ – БАХТНИНГ КАЛИТИ

Айтишларича, тўйда дўсту душман, холису нохолис барча кишилар қатори пари-ю фаришталар, етти пушт наридан ўтган арвоҳлар руҳи ҳам иштирок этар экан.

Тўй кечаси ҳамманинг диққат эътибори келинчакда бўлади. Унинг ҳар бир ҳаракати, қадами нигоҳлар таъқибида бўлади. Албатта, бундан пари-ю фаришталар, арвоҳлар ҳам истисно эмас.

Нега шунча ўт нигоҳ куёвга эмас, келинчакка қаратилади, деган савол кишини ўйлантиради.

Тангри Таоло Одам атони яратаётганида унинг жисмини тупроқдан бор этган. Момо Ҳавони эса Одам атонинг чап қовурғаси этидан бунёд этган экан. Энди тасаввур қилинг. Бутун борлиқ тўрт унсурдан иборат. Бу унсурларнинг бири тупроқ. Қолган уч унсурни тупроқ организм сифатида қабул қилади. Улар ташқи таъсир бўлиб, тупроққа зиён етказолмайдилар. Ўт ҳам ёндиролмайди. Эт эса ўтда куяди. Сув, ҳаво ва тупроқдан ўз организмига ёт нарсалар, ифлосликлар юқтириши мумкин.

Пари-ю фаришталар ҳам ўту унсурга мансуб бўлиб, париларни ўтдан, фаришталарни ўтнинг ёлқинидан яратган («Қиссаи Рабғузий» 1- китоб).

Демак, булар келинчакнинг покиза баданига, руҳига, саломатлигига тажовуз қилиши мумкин экан.

Қишлоғимиз кекса кайвониси айтган гаплар ҳеч эсимдан чиқмайди. У киши бу сўзларни жуда кўп такрорлар эди. Кампирнинг таъкидлашича, аёл киши оппоқ ипакка ўхшайди. Ипакни хас-ҳашак, тупроқ, ифлос ерга бир текизиб кўр, қани кейин уни тозалаб, ўз ҳолига қайтара оласанми?

Аёл–ипак. Уни эҳтиётлаб, ҳар нарсадан покиза сақлаш керак , дейдилар.

Халқимизда удум сифатида сингиб кетган кўпгина иримлар бор. Уларни тўйда, тўйдан олдин-кейин бажаришади. Иримларда ҳақиқат бор. Масалан, янги тушган келиннинг хонадони ёлғиз қолмасин деб қозон, пичоқ қўйилади. Қозон гарчи қорайса-да, оловнинг тафтига дош бера оладиган нарса. Пичоқ эса оловнинг ёлқинидан емирилади, аммо чархланади.

Демак, бу икки асбоб олов унсурига тегишли бўлган пари-ю фаришталарнинг тажовузидан янги хонадон ва соҳибани асрай олади. Шунинг учун айнан қозон билан пичоқни танлашади. Шундай бўлса-да, чимилдиқ ортида келинчакни ёлғиз ухлаб қолишига рухсат беришмайди. Парилар гафлатдан фойдаланиб, ёмон ниятларини амалга оширишлари мумкин. Аммо фаришталардан яхшиликларни ҳам умид қиладилар. Масалан, куёвнинг тўнини кўкламларида оқ ипдан фойдаланадилар. Чунки бу оқликни фаришталар куёвни кўнглига кўчириб, уни жуфти ҳалолига хиёнат қилишидан сақлайди.

Тўй куни келинчакнинг қўлини унга, ёққа, буғдойга ботирадилар. Бунинг ҳам ўз рамзий маъноси бор, албатта. Фаришталар, парилар гувоҳлигида Яраттандан янги рўзғор учун ризқ сўрайдилар. Кексаларга қўшилиб, фаришталар ҳам дуо беришади.

Халқимиз бекорга фаришталар омин дебди ёки бўлмаса, ёмон гапирма фаришталар омин дейди, деган ибораларни ишлатмайди.

Айниқса, тўйларда шунинг учун ҳам фақат яхши тилаклар билдирилади.

Аёл киши оғир касалга чалинса ҳам, париларга, фаришталарга учрабди, дейдилар. Бу ҳам ўша тўй оқшомига боғлиқдир.

Келинчак тушиб боргандан кейин қирқ кун чилла сақланади. Бу вақт ичида гўшангада икки вужуд фаришталари бир-бирига руҳий боғланадилар. Шунинг учун чилла тутилади.

Фаришталар жаннатда Одамдан олдин яралган. Худонинг инояти ила улар Одамга имон келтирганлар. Шунинг учун улар Одам авлодларининг хизматида бўлишади. Фақат сиз покиза, ҳалол ва имонли бўлиб, ўз хонадон ва кўнглингиз тахтидан жой бера олинг.

Ўз уйингиз, ўлан тўшагингиз бўлмиш чимилдиққа фаришталарни келинчак бўлиб киринг. Агар шундай қилсангиз, бир умр чимилдиқдаги фаришталар сизга хизмат қилади. Бахтли яшашнинг калити чимилдиқ фаришталаридадир.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

СОЗРЕЛ ЛИ МАЛЫШ ДЛЯ ШКОЛЫ?

В медицине существуют понятия «паспортный и биологический возраст». Паспортный возраст – число лет и месяцев со дня рождения, а биологический – степень зрелости органов и систем детского организма, достигнутая к определенному паспортному возрасту. Специалисты утверждают, что в ряде случаев биологический возраст иногда ниже или выше паспортного.

Существенным препятствием для обучения в школе является сниженный уровень биологической зрелости. В этом случае по паспортному возрасту шестилетний ребенок на самом деле является пятилетним или даже четырехлетним по зрелости органов и систем организма, в том числе и мозга. Естественно, что он не готов к обучению в школе, не может полноценно усвоить программу, очень устает на уроках, поэтому часто болеет.

Причиной отставания ребенка в биологическом развитии могут стать частые и длительные, тяжело протекающие заболевания, особенно в раннем возрасте, систематические грубые нарушения режима сна и питания. В биологическом развитии чаще всего отстают недоношенные, а также дети, перенесшие родовую травму. Как правило, такие дети ниже своих сверстников ростом, так как за последний год перед школой они вырастают меньше, чем на 4 см; у них отсутствуют постоянные зубы (они сменяются уже в 5 – 6 лет).



ГОТОВЫ ЛИ ВЫ ОТПРАВИТЬ РЕБЕНКА В ШКОЛУ?

За каждый ответ «да» начисляйте себе 4 балла, «нет» – 2 балла, «никогда» – 0 баллов.

Постарайтесь правдиво и искренне ответить на следующие вопросы, которые помогут вам оценить ваши взаимоотношения с ребенком:

1. Нравится ли вам ваш малыш?
2. Слушаете ли вы, что ребенок говорит?
3. Смотрите ли вы на малыша, когда он говорит?
4. Стараетесь ли вы создать у ребенка ощущение значимости того, что он говорит?
5. Поправляете ли вы речь ребенка?
6. Позволяете ли вы ребенку совершать ошибки?
7. Хвалите ли вы малыша, обнимаете ли вы его?
8. Смеетесь ли вы вместе с малышом?
9. Отводите ли вы каждый день время для чтения ребенку и для бесед с ним?
10. Играете ли вы с малышом в какие-нибудь игры?
11. Поощряете ли вы ребенка в его интересах и увлечениях?
12. Есть ли у ребенка хотя бы одна-две собственные книги?
13. Есть ли у ребенка хотя бы одно место (например полка), которое отведено только ему?
14. Стараетесь ли вы подать ребенку пример, читая газеты, журналы, книги?
15. Обсуждаете ли вы что-нибудь интересное из прочитанного вами с семьей и с ребенком?
16. Стараетесь ли вы сказать все за малыша, прежде чем он успеет открыть рот: а) у зубного врача; б) в магазине?
17. Смотрите ли вы телевизор вместе с ребенком?
18. Задаете ли вы малышу вопросы о смысле увиденного по телевизору?
19. Ограничиваете ли вы возможность ребенка смотреть телевизор?
20. Есть ли у ребенка возможность проявлять «мощь своих мышц» в играх, мять, тискать и шлепать глину и т.п., чтобы излить свои чувства в рамках общепринятого поведения?
21. Стараетесь ли вы с малышом ходить на прогулки по округе?
22. Собираетесь ли вы сводить ребенка в театр, в зоопарк, в музей?

Полученные баллы сложите. Если сумма 88 – здорово! 44 балла – неплохо. Меньше 22 – стоит задуматься.

Bolalar, sizlar uchun!

TOPQIR TIPRATIKAN

Hamma tipratikanlar nomiga mos tikanli bo‘lishadi. Ularning tikanlari shunchalik ko‘pki, tegishga ham hayiqib turasiz.

Bir kuni oyijonim meni chiroyli to‘nka ustiga o‘tqazib, shirin ovqat bilan siylayotgandilar. Ovqatni maza qilib yeb olgach:

– Rahmat, oyijon, ovqatingiz juda shirin ekan, – dedim.

Oyijonim mehr bilan boshimni silab qo‘ydilar.

Shu payt yig‘i ovozi eshitildi. Qarasak, qarshimizda jajji tipratikan ko‘zlarini ishqalab yig‘layapti.

Oyim undan:

– Kim seni xafa qildi? – deb so‘radilar.

– Hech kim...

– Unda nega yig‘layapsan?

– Chunki... Chunki siz quyonvoyni siladingiz-da...

– Nima, sening boshingni hech kim silamaganmi?

– Yo‘q. Hech kim meni silab erkalamaydi.

– Bilasanmi, men seni silashni xohlayman, lekin tikanlaring qo‘limga kiradi-da.

– Agar men silliq bo‘lsam-chi? – to‘satdan so‘radi tipratikan.

– Albatta silar edim! – dedilar oyim.

Shu payt tipratikan chaqqon harakat bilan koptok shakliga kirib oldi-da, dumalay boshladi. Bir pastda yerdagi xazonlar tipratikanning tikanlariga yopishib qoldi. U har xil rangli silliq sharga o‘xshab qolgandi. Keyin u oyijonimning oldilariga dumalab keldi va zo‘rg‘a boshini chiqarib so‘radi:

– Endi mening tikanlarim yo‘q, to‘g‘rimi?

Oyim jilmayganlaricha tipratikanni siladilar.

– Barakalla, – dedilar oyim. – Sen juda topqir ekansan! Men shundan keyin tipratikan bilan do‘stlashib oldim.



ВАҚТИНГНИ САРФЛА, АҚЛИНГНИ ЧАРХЛА

1. Болалар кўрсатуви қайси?
а) «Олтин тож»; б) «Кинотақдим»; в) «Мулоқот».

2. «Сариқ девни миниб» асарининг муаллифи ким?
а) Абдулла Орипов; б) Худойберди Тўхтабоев; в) Шуҳрат.

3. Ўзбекистонлик биринчи олимпиада чемпиони?
а) Абдулла Тангриев; б) Анвар Солиев; в) Лена Чирязова.

4. Австриянинг пойтахти?
а) Тошкент; б) Вена; в) Вашингтон.

5. Амир Темур қачон туғилган?
а) 1325 йил; б) 1336 йил; в) 1340 йил.

6. Қайси бири халтали ҳайвон?
а) Қуён; б) Типратикан; в) Кенгуру.

7. Тузсиз тайёрланадиган таом?
а) Палов; б) Атала; в) Кабоб.

8. Математик кўпайтириш жадвалининг асосчиси ким?
а) Бетховен; б) Пифагор; в) Пушкин.

9. Харитада этиксимон жойлашган давлат?
а) Хитой; б) Ҳиндистон; в) Италия.

10. Тонг юлдузи қай бири?
а) Зуҳро; б) Етти қароқчи; в) Катта айиқ.

МАЪНАВИЯТ



ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Доимий рукнимизнинг бу галги меҳмони илмга чанқоқ, қизиқувчан ва тиришқоқ қизлардан бири – Шаҳноза Байбусова. Унинг мақсади – жонажон юрти, мустақил Ўзбекистони, халқи учун керакли инсон, эл хизматида бўлишдир. Айнан шу сабабли ҳам қизнинг барча саъй-ҳаракатлари билимини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга, интилишларига оид имкон қадар кўпроқ маълумотларга эга бўлишга қаратилган.

Шунингдек, Шаҳноза спортнинг енгил атлетика турига қизиқади. Ўзбек ҳамда чет эл адабиёти намуналарини мутолаа қилиш эса жону дили.

Орзулари бисёр ватандошимизга омадлар тилаймиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

ПРЕМЬЕРА НОВОГО ФИЛЬМА

В Республиканском Доме кино состоялась премьера художественного фильма «18-й квадрат».

Кинолента, снятая по заказу Национального агентства «Узбеккино» режиссером Жахонгиром Косимовым на киностудии «Узбекфильм», рассказывает об отважной борьбе наших воинов против террористов, пытавшихся прорваться на территорию Узбекистана. Зритель еще раз убеждается в том, что трагические события в далеких горах являются ничем иным, как военной провокацией, организованной определенными политическими силами.

Автор сценария – писатель Мурод Мухаммад Дост. Оператор – Нажмиддин Гулямов. Композитор – Жамшид Изомов. Главные роли сыграли Саид Мухтаров, Тохир Саидов, Жавохир Касымов.

Н.УСМАНОВА,
корр.УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Истиқлол – улуғ неъмат, мустақиллик – бойлигимиздир. Ҳур Ватанимиз, меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимиз – фахру ғуруримиздир. Шуҳратбек Деҳқонов ижоди намунаси бўлмиш қўйидаги шеърда ҳам айнан юқоридаги қадриятлар улуғланган.

ВАТАН УЧУН

Бу кунлардан шукроналик ҳам юракда,
Уриб турса Ватан рози, улус рози.
Истиқлолнинг боқийлиги ҳар тилакда,
Заҳматларнинг кўпи кетиб, қолдиози.
Сафга қўшил буюк давлат қурмоқ учун,
Белни маҳкам бойла энди Ватан учун.

Кўп дуоси кўл бўларкан, Ҳақдан сўра,
Миллатингнинг орзулари ижобатин.
Дунёсига довруқ солди ўзбек тўра,
Қадрига ет озодликнинг бу неъматин.
Бор меҳрингни бахш айлагил
гулшан учун,
Белни маҳкам бойла энди Ватан учун.
Яхшиларга ёндашган эл ўзбек эрур,
Ёмонларга адашган эл ўзбек эрур.
Аждодларин руҳларини шодон этиб,
Жаҳон билан бўйлашган эл ўзбек эрур.
Тўғри йўлдан тойма асло мақсад учун,
Белни маҳкам бойла энди Ватан учун.

Йўлбошчиси ўз халқига тинчлик тилар,
Мудом юртнинг дарди билан
ёниб юрар.
Фарзандим деб ҳар ёшининг
бошин силар,
Деҳқони-ю зиёлига бағрин очар.
Сажда қилгин саждагоҳинг
жаннат учун,
Белни маҳкам бойла энди Ватан учун.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД МАЖМУАСИ



Замондошлари орасида обрў-эътибор қозониб, футувват-жувонмардлик гуруҳининг улуғ пешволаридан бири бўлган шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд (Пурёйвалий, Қитоли) 1247 йилда таваллуд топган. Ёшлик даврида пўстиндўзлик ва телпакдўзлик ҳунарларини қунт билан ўрганган. Бундан ташқари, катта куч соҳиби бўлган Маҳмуд ўз юртида, Ҳиндистон ва Эронда полвонликда донг таратган ҳамда Паҳлавон Маҳмуд деган номга сазовор бўлган. Адабиётга, айниқса, шеъриятга ихлосманд бўлган, Умар Хайёмнинг рубоийларини мутолаа қилган ва ўзи ҳам шу йўналишда ижод қилган. Форс ва туркий халқлар адабиётида Умар Хайёмдан сўнг фақат рубоий ёзган шоир айнан Паҳлавон Маҳмуддир. У Хайёмнинг оддий тақлидчиси бўлмай, мушоҳада кучи, рубоийларнинг сермаънолиги жиҳатидан у билан баробар даражада турган. Паҳлавон Маҳмуд шаҳар ҳунарманд-косибларнинг футувват-жувонмардлик ҳаракати (XIII-XIV асрлар) ташкилотчиси, маънавий раҳнамоси ҳам бўлган. У ўз рубоийларида мардлик, марҳамат ва шафқат, саховат ва олижаноблик каби фазилатларни илгари сурган. Рубоийлари фикрнинг равшанлиги, мазмуннинг теранлиги, образларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Паҳлавон Маҳмудга нисбат бериладиган «Ҳазрати Паҳлавон рубоийлари»нинг қўлёзма нусхалари ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади.

Баъзи манбаларда хабар берилишича, Паҳлавон Маҳмуд «Канз ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси», 1303-1304) номли маснавий ҳам ёзган, аммо бу асар ҳали топилмаган. Паҳлавон Маҳмуднинг васиятига кўра, ўлимидан сўнг унинг жасади ўзининг пўстиндўзлик устахонасига дафн этилган. Вақт ўтиши билан мақбара атрофида Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси вужудга келган.

Полвон ота мақбараси – Хивадаги энг гўзал меъморий ёдгорликлардан бири. Мақбара мажмуасининг умумий ҳажми 50х30 м бўлиб, дастлаб Паҳлавон Маҳмуд қабри устига 1664 йилда мўъжаз синчкори иморат қурилган. Дарвозахона эшигидаги ёзувга кўра, ушбу мақбаранинг қурилиш санаси 1701 йилда Шоҳниёзхон қурдирган вақтдан ҳисобланади. 1825-1835 йилларда унинг ўрнида ғиштин тоқу равоқли серҳашам мақбара, зиёратхона ва хонақоҳ қад кўтарган. Кейинчалик Хива хонлари Абулғозихон (1643-1663), Шоҳниёзхон (1695-1702), Муҳаммад Раҳимхон I (1807-1826), Темурғозихон (1857-1858) ва бошқалар ҳам шу ерга дафн этилган. 1913 йилда уста Қурбонниёз бошчилигида ҳовлининг ғарб томонига икки ошёнли қорихона, қаршисига ўймакор устунли айвон қурилган. Мажмуага жануб томондаги дарвозахона орқали кирилади, ичкари саҳнига ғишт терилган. Четида қудуқ, кичик ҳовли қаршисида пештоқли хонақоҳ-мақбара, ўнгда айвон, чапда супа ва қорихона жойлашган. Гумбазнинг нақшин безаклари асосан мовий ранг сирли сополлардан терилган, бино ичкариси нафис безатилган. Унинг изорасидан тортиб гумбазли қуббасигача оқ ва мовий нақшлар билан қопланган. Безаклар орасидаги китобага Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари битилган. Хонақоҳнинг ғарбий эшиги орқали зиёратхонага ўтилади. Унда Паҳлавон Маҳмуднинг сиркор сағанаси жойлашган. Мақбарадаги асосий бинолар уста Одина Муҳаммад Мурод бошчилигида қурилган. Безакларни Мулла Нурмуҳаммад Қаландар ўғли, Сўфимуҳаммад Абдужаббор ўғли ва уста Абдулла бажарган. Зиёратхона эшиги (1810 йил), ташқари эшик (1894 йил) уста Нурмуҳаммад томонидан ишланган. 1960 йилда уста Рўзимат Машарипов иштирокида қорихона ва айвон таъмирланган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси XIX аср Хива меъморчилиги услубининг ёрқин намунасидир.

Мурод САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЎЛКАМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ЙИГИТЛИК БУРЧИ

қисса

III боб. ҚАЙНОҚ ФАОЛИЯТ



(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Орадан бир ҳафта ўтгач, улар йўлга чиқишди. Олтовлон ёш офицерлар ҳали қандай жойга кетишаётганини билишмас, буни ҳатто тасаввур ҳам қилишолмасди. Шу сабаб, ҳаммалари ўз хаёллари билан банд эдилар.

Ниҳоят, текширув-назорат пунктига келиб тўхташди. Озгина расмиятчиликдан сўнг, уларни қисм командири подполковник унвонли ёшгина офицер қабул қилди. Улуғбек унинг кўксидаги Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академиясини тугаттани ҳақидаги нишонни ва «Жасорат» медалини кўриб, «Ўҳў! Жанговар офицер кўринади!» деб ўйлади.

Командир уларни қандай етиб келганларини суриштирди. Кейин уларни бўлажак вазифалар билан таништирди. Бу орада «Орангларда уйланганлар борми?» деб қизиқди. Бор экан. Лейтенант Исаев «хотиним бор», деди. Командир унга бир хоналик уй беришини маълум қилди. Бўйдоқ офицерларга эса бир-икки кишилик хоналар ажратилишини, ётоқдаги ҳар бир хона қулайликларга эгалиги, телевизор, видеомагнитафон, мебель, ҳамма нарса муҳайё эканлигини айтди.

Суҳбат анчага чўзилди. Охир-оқибат маълум бўлдики, улар артиллерия қисмига келиб тушишган экан. Эрталабдан бошлаб хизматга киришишлари мумкин экан.

– Ҳаммаси ўзингларга боғлиқ, – деди командир улар билан хайрлаша туриб. – Кўрамиз, билим юртида нималарни ўқигансизлар, янги лавозимларга тайёрмисизлар-йўқми? Эртага сизларни аскарлар билан таништираман!

Шундан кейин ҳамма ўзига ажратилган хоналарга тарқади. Лейтенант Исаев бўлса, ўзларига алоҳида бир хона ажратилганлигини айтиш учун оғзи қулоғига телефон қилгани кетди.

Шундай қилиб, эрталабки йиғинда маълум бўлдики, лейтенант Улуғбек Маҳмудов айнан Алишер хизмат қилаётган бўлинмага командир этиб тайинланди. Улар шу тариқа танишдилар.

Улуғбек бўлинма аскарлари, сержантлари билан танишди, қурол-аслаҳалар, жанговар машиналарни кўриб чиқди. Йигитларнинг ҳушёрлиги, ҳарбий ҳаётга кўникмаси, пишиқ-пухталиги унга ёқди. Айниқса, унга оддий аскар Алишер Раҳимов маъқул тушди.

«Энди ўзим ҳаммага ўрнак бўлишим керак, – деб ўйлади Улуғбек хонада ёлғиз қолганида. – Юриш-туришим, кийинишим, муомалам, ҳаммаси...»

Шу тобда, у тўрт йил давомида тутган, сира қўлдан қўймайдиган дафтарини эслаб, қўлига олди. Унда ўзининг кўнглидан кечган ўйларни, ҳарбий хизмат ҳақидаги ҳикматларни тўплаб юрар эди. Мана энди ўша ёзувлар ўзига ҳам асқотадиган бўлиб турибди.

Ёзувларнинг биринчисида шундай ёзилганди:

«Энди сенинг янги ҳаётинг, командирлик фаолиятинг бошланади. Сен энди кўп ўқишинг, ўрганишинг, жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтишинг керак. Сен энг ишончли ва гўзал йўлни танлагансан. Энди шу йўлдан дадил боравер. Ватан сенга ва дўстларингга ишонади. Масъулиятни бўйнингга олдингми, буёғига фақат ўзингга ишон. Шу ишончни оқлашга ҳаракат қил!»

Бу ёзувларни ўқиб, Улуғбекнинг кўнглидан қуйидаги ўйлар кечди: «Тўғри, эндигина йигирма бирга кирдим. Менга эса бутун бошли бўлинмани ишониб топширишди. Худди ота ўз оиласи учун қанчалар куйиб-ёнса, энди мен ҳам шу йигитлар учун яшашим керак... Токи, улар мен билан фахрланиб юрсинлар».

«Қарор қабул қилиш ҳақида ўгит: қарор аниқ ва пухта бўлиши керак. Қанчалик содда ва тўлиқ бўлса, шунчалик яхши. Шундай гапиргингки, ҳар бир қўл остингдаги аскар уни тушунсин».

«Одамлар билан ишлаш ҳақида» – одамлар билан ишлаш осон эмас. Бу жуда мураккаб, масъулиятли вазифа. Аммо ниҳоятда олижаноб иш. Ҳар бир раҳбар, аввало, тарбиячи ва ташкилотчи бўлиши керак. Эсингда турсин, ўрганиш осон, тарбиялаш эса ҳамиша қийин кечади. Ўзингда тарбиячиликка хос санъатни мужассамлаштир».

«Ҳар бир кишининг меҳнатини қадрлашни ўрган. Уларни ҳимоя қил, эҳтиёт қил, ўз ўрнида тақдирла. Уларнинг шаънини сақла, хатти-ҳаракатларини эмас».

«Эшитишда чидамли бўл. Бу нарса сени авторитетингни оширади. Шунинг учун ўзингнинг ҳар бир хатти-ҳаракатингни назорат қил, юриш-туришинг, ахлоқ-одобинг. Кечиримли бўл, аммо ўз хатоларингни кечирма».

«Эсингда сақла, ўзингдан кўра, қўл остингдагилар сенинг хатоларингни яхшироқ кўриб турадилар. Сен агар ўзинг бошқаларга ўрнак бўла олмас экансан, бошқалардан ранжишнинг ҳожати йўқ».

«Ҳар бир кишининг олий мақсадлари бўлиши керак. Агар сен ўзингни чинакам командир деб ҳисобласанг, ўз мақсадингга эга бўлишинг шарт ва лозим. Одамларни олға олиб бориш учун, тарбиялаш учун аввало ўзинг шундай инсон бўлишинг керак».

«Катталарнинг маслаҳатларига қулоқ тут. Шундагина маҳоратинг ошади ва ўзинг ҳам тажрибали бўлиб борасан».

«Мардлик ва ҳамиша тайёр туриш, булар нафақат тинч ҳаётда, балки жанговар ҳаётда ҳам жуда асқотади».

«Ҳал қилувчи фикрга эга бўл. Мураккаб ҳолатлар командирдан қатъий фикрни талаб қилади. Бунинг учун ўзингга ишонишинг керак».

«Ҳамиша олдиннни кўра бил. Шундагина яхши раҳбарлик, командирлик қила оласан, бунинг учун эса мамлакат ва армия ҳаётини яхши билишинг лозим».

«Ҳар куни ўз-ўзингни текшириб, назорат қилиб тур. Ўз-ўзингдан сўра. Бугун нима қилдим? Нимага эришдим. Нималарда хатога йўл қўйдим? Бунинг учун югуриб-елиб юриш шарт эмас. Юр, кузат ва бошқар. Ҳар бир қадамингни кузат, ўйла, эслаб қол ва тўғри қарор қабул қил. Зеро, сенинг командирлик фаолиятингда босган изларинг қолсин».

«Ҳамма нарса Низом бўйича талаб қилинади. Қаттиққўллигинг оталарча меҳр-оқибатинг билан муштарак бўлиб кетсин».

«Командирнинг ташқи қиёфаси у хизмат қилаётган бўлинманинг кўзгуси эканлигини унутма. Чинакам командирлар ҳатто оғир жангларда ҳам ўрнак бўлганлар».

«Ҳар бир иш кунингни режалаштир, токи ҳар хил майда-чуйда нарсалар сени асосий масалалардан чалғитиб қўймасин».

«Ҳамма нарсани ўзим қиламан, деб ўйлама. Командирлик санъати ҳолат яратиш, ташкилотчилик, одамларни ишга йўналтиришдан иборат».

«Ўзингнинг ҳарбий касбинг билан фахрлан. Ўз қисмингни, офицерлик шаънингни сақла».

«Сен мустақил Ўзбекистон фарзандисан. Унинг тинчлиги, осойишталиги, фаровон ҳаёти аввало сендек офицерларга боғлиқ. Шундай Ватанга муносиб бўлишинг кераклигини унутма ва буни бошқалардан ҳам талаб қила бил».

Улуғбек бу ёзувларга кўз югуртириб чиқиб, узоқ ўйланиб қолди: «Буларнинг ҳаммаси вақт синовидан ўтган, ўзим кўрган-билган, бошдан ўтказган йиллар давомида йиғилган ўгитлар. Мана энди буларга риоя қилиш ва ўзимни офицер сифатида намоён этиш пайти келди...»

Шу кеча у кеч ухлади. Анчагача уйқуси қочиб, хаёлларга берилиб ётди...

Полковник Баҳодир ҒОФУРОВ.

(Давоми бор).

Кўнгилга ташриф

ТЕАТР – ҚАЛБИМ ГАВҲАРИ

Ўзбек миллий академик драма театрида халқимиз қалбини ром этган жуда кўплаб артистлар фаолият кўрсатади. Ана шундай фидойи ва фаол санъаткорлардан бири, Ўзбекистон халқ артисти Рихси опа Иброҳимовадир.



– Маълумки, кўплаб спектаклларда, фильмларда ва клипларда она образини яратгансиз. Сиз учун қайси бирида роль ижро этиш завқлироқ?

– Спектаклда. Чунки кинода ҳам, клипда ҳам бир марта ижро этасиз. Қандай ижро этсангиз, шундайлигича тасмага тушади. Спектаклда эса ҳар гал сайқал бериб, бойитиб бориш имконияти бор. Бундан ташқари, томошабин қаршисида, жонли ижро этганга нима етсин. Шу маънода менга спектаклда ўйнаш завқли ва мароқли. Илк маротаба она ролини ўйнаганимда жуда қийналганман. Бир умр фақат бош ролни ижро этиб келган одамга қандайдир эриш туюлар экан. Лекин умрнинг ўтиши инсонни қаритар ва кўниктирар экан. Афсусланган билан фойдаси йўқ. Бу ҳаёт қонуни. Аммо ўзим оналик бахтини ҳис қилиб, оила лаззатини татиб кўрганимдан сўнг зўр қониқиш ва мароқ билан она ролини ўйнаб келяпман. Айтмоқчиманки, ҳаётнинг ўзи мени она ролини ижро этишимга андоза берди.

– Сиздан аввал ҳам Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова каби актрисалар она образини қиёмига етказиб ижро этишган. Улардан кўп нарса ўрганган бўлсангиз керак...

– Албатта, ҳар иккаласи ҳам устозим бўлади. Сора опадан кўп нарсани ўрганганман. Она образини яратишимни эса Лутфихон опанинг йўналишига ўхшатишади. Баъзи мухлисларим ҳазиллашиб, «сиз Лутфихон Саримсоқовамисиз», деб сўрашади. Шундай улуғ санъаткорларнинг шогирди эканлигимдан, уларга ўхшатишларидан фахрланаман.

– Саҳнадаги ҳаётингиз билан боғлиқ кутилмаган қизиқ воқеалардан гапириб берсангиз.

– Деярли ҳар саҳнага чиққанимизда қандайдир кутилмаган, кулгили ва ноқулай вазиятлар бўлиб туради. Театрда энди ишлай бошлаган кезларимда «Йўлчи юлдуз» асарида бойнинг хотини – Гуласални ўйнардим. Спектаклнинг сўнгида бой мени бўғиб ўлдиради. Мен саҳнада икки қўлимни ёзиб ўлиб ётаман. Хизматкор бола бир гуруҳ миршаблар ва аскарларни айтиб келади. Ўшанда бир аскар югуриб ўтаётиб, қўлимни ғарч этиб босиб олса бўладими?! Вой, деб бақириб, бошимни, қўлимни беихтиёр кўтариб юборганман ва яна қайтадан ўлишга мажбур бўлганман. Томошабинлар ана тирилди, тирилди, деб бақиришган. Ўшанда қўлимни этик кийган оёғи билан босиб олган аскар – театримизнинг ҳозирги директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов эди.

– Аёл киши учун оила муҳимроқми ёки жамиятдаги фаолият?

– Аслини олганда, аёл учун иккови ҳам муҳим. Лекин очиғини айтиш керак, санъаткор аёл учун санъат муҳимроқ. Баъзи актрисалар мен учун оила муҳимроқ, дейишади. Бу баландпарвоз гапдан бошқа нарса эмас. Мен бу фикрга қўшилмайман. Театрга бир меҳринг тушдими, ташлаб кетолмайсан. Кўпчилик аёллар айрим сабаблар билан театрдан кетишади-да, яна қайтиб келишади. Чунки театр санъати ҳам худди шеърият каби кўнгил билан, қалб билан боғлиқ санъат. Биласизми, санъат фидойиликни талаб этади. Ундан кечмоқчи бўлган аёл руҳий жиҳатдан синади. Театр қалбимиз гавҳари бўлиб қолган.

– Бугунги ўзбек аёлига назар ташлаб, қайси жиҳатларидан кўнглингиз тўлиб, қайсиларидан ташвишланасиз?

– Аёлларимизда ҳар қанча хурсанд бўлса арзийдиган фазилатлар кўп. Бугунги ўзбек аёли чет тилларини билади, машина ҳайдайди, хорижни кўриб келяпти ва шу билан бирга, оиласини ҳам уддалаяпти. Тан олиш керакки, кейинги пайтда аёлларимизнинг табиатида айрим салбий жиҳатлар ҳам пайдо бўлди. Азалдан ўзбек аёлига хос бўлган ор-номус, камтаринлик, соддалик, ибо-ҳаё камайиб бормоқда. Аждодларимизга хос бўлган фазилатларни асраб-авайласак, авлодларимизга мерос қилиб қолдирсак, яхши бўларди.

– Сизнингча, эркаклар аёлларнинг қадрига ета оляптиларми?

– (Шу саволга келганда Рихси опа анча ўйланиб қолди). Йўқ. Чунки аввалги эркакларга хос фазилатлар ҳозиргиларда камроқ. Ҳозирги эркаклар зўрма-зўраки ҳолда аёлидан устунлигини кўрсатмоқчи бўлади. Эр киши ҳар қандай вазиятда ҳам мағрур, майда гаплардан узоқ бўлиши керак. Мен хотинимдан устунман, деб унга оғир ишларни қилдирадиган эркакларни қандай тушуниш мумкин?

– Ота-онангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Отам раҳматли жудаям одамохун, бағрикенг инсон бўлганлар. Бир умр ҳалол меҳнат қилиб, бизни вояга етказганлар. Менинг санъатга кириб келишимга отам сабабчи бўлганлар. Мактабни тамомлаб, бошқа институтга имтиҳон топширганман. Иккита имтиҳонни топшириб, талаба бўлай деб турганимда, отам актёр тайёрлайдиган институт борлигини эшитиб қолган. Кейин менга «қизим Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраевалларга ўхшайдиган артист тайёрлайдиган институт бор экан, ўша ерда ўқийсанми?» деганлар. Мен бундан хурсанд бўлиб, аввалги Островский номидаги театр ва рассомлик институтига бориб, у ердагиларга икки қўлимни кўтариб, мен мана бундай ўйнайдиганга эмас, гапириб ўйнайдиганга ўқишга кирмоқчиман, деганман. Улар роса кулишган. Айтмоқчиманки, отам фарзандларининг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлардилар. Онам эса жудаям меҳмондўст эди. Отам санъатни, адабиётни яхши кўрганлиги боис маҳалламиздагилар бизнинг уйимизда кечалари билан диний китобларни, «Ўткан кунлар» романини мутолаа қилишарди. Баъзида отам уларга сибизға чалиб берардилар.

– Ҳаётингизда кескин бурилишга сабаб бўлган бирор воқеа бўлганми?

– Чернобиль фалокати вақтида жуда кўп ўзбек йигитлари ўша ерда хизмат қилган. Уларга театр томошасини кўрсатиш учун бир гуруҳ ўзбек санъаткорларини ўша ерга жўнатишган. Ўшанда мен оғир касалланиб қайтдим. Уч марта операция бўлдим. Ҳалигача асорати йўқолгани йўқ.

– Рихси опа, доим халқнинг орасидасиз, учрашувларда кўп бўласиз. Бу сизни толиқтирмайдими?

– Аксинча, мен бундан куч оламан. Шу билан овунаман. Мен жамоатчи аёлман. Бизга, яъни санъаткорларга халқнинг эътибори, талаби борлигидан мамнуниман. Мухлисларим кўпинча роль ўйнаётганингизда қандай қилиб йиғлайсиз, деб сўрашади. Шунга ўқиганимдан кейин йиғлайман-да, дейман. Улар яна ўйнаган ролларингиз руҳиятингизга таъсир қиладими, деб сўрашади. Таъсир қилганда-чи! Мана, ҳозир ҳам оғир драматик ролда ўйнашим керак. Театрга келгунимча шу ролнинг руҳида юриб, уни ўйлаб келяпман. Шу маънода комедия ролини ўйнайдиганларга осонроқ, соғлиғига ҳам фойдали.

Лазизжон БАҲРАНОВ суҳбатлашди.

Театральный сезон

СПЕКТАКЛИ. ГАСТРОЛИ. РЕПЕТИЦИИ...

Даже летом в театрах республики вовсю идет работа. Репетиции новых спектаклей, гастроли, участие в фестивалях – и это несмотря на каникулы! Зато зритель останется доволен...

Артисты Национального академического драматического театра посетили Каракалпакстан с гастролями. Идея показать местным зрителям жемчужины репертуара, вобравшего в себя как классику, так и современность, принадлежала творческому производственному объединению «Узбектеатр». Народные артисты Узбекистана Яйра Абдуллаева, Якуб Ахмедов, Эркин Камилов, Мухаммадали Абдукундузов и Рихси Ибрагимова подарили жителям Приаралья несколько встреч с прекрасным. На сценах в разных уголках республики были представлены постановки «Деревья умирают молча» А.Касоны, «Рукой подать» У.Азима, «Гамлет» В.Шекспира и «Натан Мудрый» Лессинга. Под занавес гастролей состоялся гала-концерт с отрывками из пьес, песнями и танцами.

Театр драмы и комедии «Аладдин», как известно, ставит свои спектакли в здании Центрального Дома офицеров. Здесь в эти дни идет реконструкция зрительного зала и сцены, восстанавливаются элементы декора, в том числе лепка и роспись на стенах. Усилиями реставраторов к началу нового сезона это уникальное здание 1884 года, в котором выступали Вера Комиссаржевская, Сергей Есенин и Алексей Толстой, будет полностью обновлено. Зрители окажутся в зале в дворцовом стиле с новыми мягкими креслами и постоянным кондиционированием.

Государственный академический Большой театр оперы и балета имени А.Навои в новом сезоне порадует зрителя как минимум двумя новыми операми: классической узбекской «Тахир и Зухра» и знаменитым творением Дж.Пуччини «Тоска». В планах ГАБТа немало других сюрпризов, о которых пока рано говорить. Можно лишь упомянуть о готовящемся творческом вечере ведущего солиста театра Нормумина Султанова, который пройдет в конце сентября.

Молодежный театр Узбекистана после успеха спектакля «Тартюф» решил продолжить тему Мольера. Осенью здесь обещают премьеру еще одной пьесы великого французского драматурга – «Лекарь поневоле», а также спектакль «Кабала святош» по Михаилу Булгакову. А на весну намечена постановка «Язык птиц» по бессмертной поэме Алишера Навои – о смысле жизни и назначении человека.

Рамиль ИСЛАМОВ.

ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



Предложение о бое с Кличко

Чемпион мира по боксу в супертяжелом весе по версии WBC Олег Маскаев, недавно завоевавший свой титул в бою против Хасима Рахмана, уже получил предложение об объединительном поединке против чемпиона IBF Владимира Кличко, сообщает «AllBoxing». По словам менеджера Кличко Шелли Финкеля, он специально медлил с подписанием контракта с Шенноном Бриггсом, давно называвшимся в качестве основного кандидата на бой с Кличко 11 ноября, ожидая исхода встречи Маскаев – Рахман. На состоявшейся пресс-конференции свою кандидатуру на роль соперника Кличко-младшего в предстоящем 11 ноября поединке предложил чемпион WBO Сергей Ляхович, отметивший, что Маскаеву требуется отдых после тяжелого боя и время для восстановления от травм.



Новый рекорд в метании молота

На соревнованиях по легкой атлетике «Таллин-2006» в Эстонии россиянка Татьяна Лысенко установила новый мировой рекорд в метании молота, в пятой попытке послав снаряд на 77,80 метра. Она улучшила свой же установленный в июне мировой рекорд на 39 сантиметров. До 80-метрового рубежа, считающегося «гроссмейстерским» для метателей молота у мужчин, Татьяне остается всего 1,2 метра. В нынешнем сезоне Лысенко уже во второй раз улучшает свой рекорд, установленный 15 июля 2005 года, – 77,06 м. Перед этим рекордом Лысенко первую попытку сорвала, в третьей и четвертой метнула за 76 метров. Пятая оказалась удачной. «До сих пор никак в себя от радости прийти не могу», – говорит спортсменка.



Советоваться с тренером разрешается

Женская теннисная ассоциации в качестве эксперимента на двух турнирах в США – в Лос-Анджелесе и Нью-Хэйвене – разрешит спортсменкам во время игры обращаться за советом к тренеру. Такое решение было принято для улучшения качества игры. WTA позволит теннисисткам вызывать наставника на корт в перерывах между сетами, также такую возможность они могут получить в случае, если соперница возьмет медицинский перерыв или с разрешения судьи покинет корт, сообщает ИТАР–ТАСС. У эксперимента есть уже как противники, так и те спортсменки, которые одобряют данное решение. Впрочем, не стоит спешить: время и практика покажут все плюсы и минусы новшества.



Футбольные финты в космосе

Немецкий астронавт Томас Райтер – страстный поклонник футбола – впервые на борту Международной космической станции продемонстрировал футбольные финты и обводку в условиях невесомости. Как сообщило Европейское космическое агентство, это стало возможным благодаря сеансу видеосвязи между экипажем МКС и ведущими футболистами испанского клуба «Барселона», организованному Центром управления полетами NASA в Хьюстоне. В ходе сеанса связи с футболистами «Барсы», находящимися в США на предсезонной подготовке, Томас Райтер – страстный футбольный болельщик – имел возможность продемонстрировать собственные навыки владения мячом, воспользовавшись при этом условиями невесомости.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Футбол. Осиё чемпионати – 2007

РАҚИБНИ МЕНСИМАСЛИК ОҚИБАТИ

Чоршанба куни қитъамизнинг бир қанча мамлакатларида 2007 йилда бўлиб ўтадиган Осиё кубоги мусобақаларининг финал босқичига чиқиш учун баҳс олиб бораётган терма жамоалар саралаш учрашувларининг 3-турини ўтказишди.

Февраль-март ойларида ўтказилган 1-2-тур учрашувларида бир ғалаба қозонган (Бангладеш жамоаси устидан 5:0 ҳисобида) ва бир мағлубиятга учраган (Қатар жамоасига 2:1 ҳисобида) Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари Осиёнинг кучсиз жамоаларидан бири ҳисобланадиган Гонконг футболчиларини ўз майдонида қабул қилишди.

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган, терма жамоа ўйинини орзиқиб кутган кўп сонли мухлислар ва ҳатто футбол мутахассислари жамоамиз йирик ҳисобда осон ғалаба қозонади, деб тахмин қилишган эди. Аммо «уйдаги гап кўчага тўғри келмайди», деганларидек…

Бир бошдан ҳикоя қиладиган бўлсак, терма жамоамиз бош мураббийи В.Непомнящий майдонга энг кучли таркибни туширди, десак ҳам бўлаверади (Б.Аширматов ва А.Федоровлар йўқлигини ҳисобга олмаганда). 1-бўлим футболчиларимизнинг тўлиқ устунлиги остида ўтди. 15-дақиқада А.Солиев, 27-дақиқада эса М.Шацких рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, жамоамизни 2:0 ҳисобида олдинга олиб чиқишди. Футболчиларимиз эркин, худди машқ қилаётгандек бемалол ўйин кўрсатишди ва яна бир қанча хавфли вазиятларни юзага келтиришди, аммо 1-бўлимда ҳисоб бошқа ўзгармади.

2-бўлимда яна бир қанча голлар кўрамиз, деб ўтирган ишқибозлар эса ўйин қанчалик ўзгариб кетишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Футболчиларимиз рақибни менсимай, яна ўша бамайлихотир ўйинни давом эттиришди ва бунинг учун жазоланишди. 2-бўлимда майдонга тушган меҳмонлар футболчиси Квок Шам уюштирилган чиройли қарши ҳужумлар натижасида Е.Сафонов қўриқлаган терма жамоамиз дарвозасини икки марта аниқ нишонга олишга эришди – 2:2. Шундан сўнгтина «уйғонган» футболчиларимиз қанча ҳаракат қилишмасин, ҳисобни ўзгартира олишмади ва осон эришилиши кутилган қимматли очколарни қўлдан бой беришди. Телевидение шарҳловчиси айтганидек, бу «уятли натижа»нинг сабабини жамоамиз мураббийлари ва футболчиларимиз чуқур таҳлил қилиб, керакли хулосалар чиқариб олишади, деб умид қилишдан бошқа иложимиз ҳам йўқ...

М.САЙДИВАЛИЕВ.

«Пахтакор – 79» хотира турнири

ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ўша машъум воқеа рўй берганида етти яшар бола эдим. Оқу қорани англашга, дунё сир-асрорларини билишга талпинаётган болакай. «Пахтакор» футбол жамоасининг ҳалокатиҳақидаги хабар қишлоғимизда ҳам дув-дув гап бўлди. Айниқса, ашаддий футбол ишқибози Дурдимурод малим Жўраев пахтакорчиларга аза очгани, еган-ичганида ҳаловат бўлмай, бағрини қора ерга бериб бир неча кун ётганини эшитиб, ажабланганман. Кейин-кейин англаб етдимки, «Пахтакор» том маънода халқимизнинг фахри, ғурури бўлган экан. Қишлоғимизда айрим ишқибозлар ҳали-ҳануз ҳалокатга учраган футболчиларимизнинг суратларини сақлаб келишмоқда. Гарчи орадан 27 йил ўтган бўлса-да, ўша машъум воқеани шу ўринда ёд этсак.

Маълум бўлишича, 1949 йилда Италиянинг «Торино», 1958 йилда Англиянинг «Манчестер Юнайтед», 1961 йилда Чилининг «Грин-Крос», 1969 йилда Боливиянинг «Стронгест» каби футбол жамоалари ҳам бизнинг «Пахтакор» сингари ҳалокатга учрашган. «Пахтакор»имиз ўзбек футболининг донғини эндигина дунёга тараётган бир пайтда авиаҳалокатга учради.

…1979 йилнинг 11 августи. Соат 13 дан 38 дақиқа ўтди. Тошкент–Гурьев–Донецк– Минск йўналишида 65816 рейси билан парвоз қилаётган ҳаво лайнери 8400 метр баландликда Челябинск–Кишинев йўналишидаги 65735 рейси билан учиб бораётган самолётга тўқнашиб кетди. Мазкур даҳшатли ҳалокат оқибатида 178 нафар йўловчи ҳалок бўлди. Улар орасида «Пахтакор»нинг 17 нафар шунқори ҳам бор эди. Улар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси Идгай Тазетдинов, Монреаль олимпиадаси бронза медали совриндори Владимир Фёдоров, ёшлар жамоалари ўртасида Европа чемпиони Михаил Ан, спорт усталари – Олим Аширов, Александр Корченов, Сергей Покатилов, Равиль Агишев, Николай Куликов, Юрий Загуменных, Владимир Макаров, Константин Баканов, Виктор Чуркин, спорт усталигига номзодлар – Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, Сирожиддин Бозоров, жамоа шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Владимир Чумаков, маъмур Мансур Толибжоновлар эди. Украинанинг Харьков шаҳри аэропорти диспетчерлари Николай Жуковский ва Владимир Сумскойларнинг қўпол ва даҳшатли хатолари оқибатида Днепродзержинск шаҳарчаси яқинида иккита «ТУ-134» самолётлари тўқнашиб кетади.

Ҳукуматимиз ва спорт жамоатчилиги ҳалок бўлган пахтакорчилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам беришга катта эътибор қаратиб келади. Ҳар йили ана шу сана – 11 августда Боткин қабристонидаги пахтакорчилар хотирасига бунёд этилган мемориал гулларга бурканади. Бундан ташқари, «Пахтакор» марказий стадионида «Хотира» ёдгорлиги бунёд этилган. Наманган шаҳридаги марказий стадион ёнида «Сени унутмаймиз, Пахтакор!», деб аталувчи музей-боғ бор. Тошкент кўчаларига марҳум пахтакорчилар номлари берилган. Уларнинг номи билан юритиладиган стадион, мактаблар бор. 1980 йилдан эътиборан «Пахтакор – 79» хотира совғини учун турнир ўтказилишини шу ўринда алоҳида таъкидласак арзийди. Ҳатто кейинги йилларда бундайин хотира турнирлари ҳалок бўлган пахтакорчиларнинг туғилган гўшаларида ўтказилиши диққатга сазовор. Масалан, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида Николай Куликов, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида Сирожиддин Бозоров, Бухоро шаҳрида Равиль Агишев ва Владимир Собиров, Навоий-да Шуҳрат Эшбўтаев, Тошкент вилоятида Михаил Ан, Олим Аширов, Владимир Фёдоров хотира турнирлари ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда эса «Пахткор» марказий стадионида 1992 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида «Пахтакор – 79» халқаро хотира турнири ўтказилиб, унда 6 та жамоа ғалаба учун беллашишди.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда «А» гуруҳидан ўрин олган «Пахтакор» футбол мактаби жамоаси чиройли ўйин кўрсатиб, мухлисларини қувонтирди. Финалда Қирғизистон ўсмирлар терма жамоасини 4:2 ҳисобида доғда қолдиришган ёш пахтакорчилар қаторасига иккинчи бора хотира турнирининг ғолиби бўлишди. «Пахтакор – 79» халқаро хотира турнирида 1992 йилда туғилган ўсмирларимиз, яъни истиқлол йилларида камолга етаётган ўғлонларимиз севимли жамоанинг муносиб издошлари эканликларини исботлашди. Умид қиламизки, бу фарзандлар спорт оламида ёрқин юлдуз бўлиб порлашади.

Сафар АЛИ.

Бокс

УСПЕШНАЯ «РАЗВЕДКА БОЕМ»

Завершившийся недавно в городе Чирчике чемпионат Узбекистана по боксу армейские мастера перчатки рассматривали как очередной этап подготовки к чемпионату мира среди военнослужащих и Азиатским играм в Катаре. Отрадно, что даже без ряда ведущих боксеров армейская дружина выглядела убедительно.

– В период с 14 по 21 сентября в Германии пройдет чемпионат мира среди военнослужащих, – рассказывает старший тренер МХСК по боксу капитан Уйгун Сиддиков. – Именно поэтому первые номера нашей команды, старший лейтенант Дильшод Махмудов (64 кг), служащие Вооруженных Сил Джахонгир Суванкулов (60 кг), Шерзод Абдурахманов (75 кг) и Жасур Матчанов (91 кг) были освобождены от участия в чемпионате страны, чтобы в тренировочном процессе полностью сосредоточиться на будущих соревнованиях.

Чемпионами Узбекистана в своих весовых категориях стали армейцы Орзубек Шайимов из Сырдарьи (54 кг), рядовые по контракту Бекзод Хидиров из Ташкента (60 кг) и Шерзод Хусанов из Ферганы (69 кг), ферганец Элшод Расулов (75кг). В активе боксеров МХСК еще восемь серебряных и четыре бронзовые награды.

О подавляющем превосходстве армейских единоборцев над остальными говорит и такой факт, что из одиннадцати финальных боев в трех они только между собой спорили за победу. Небольшую сенсацию сотворил О.Шайимов, взявший верх над более опытным рядовым по контракту Тулашбоем Дониёровым из Намангана. Конечно, Баходиру Мамаджанову из Ферганы и Турсунбою Абдуллакимову из Джизака не удалось переиграть более именитых одноклубников, но их «серебро» говорит о хорошем потенциале молодежи. Вот и Шарофу Айтбаеву из Нукуса, несмотря на поражение в финале от опытного андижанца Баходиржона Султанова (57 кг), удалось произвести хорошее впечатление на тренеров и судей чемпионата.

Наш корр.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши жамоаси Ташкилот раҳбар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази директори М.Умаровга падари бузруквори

Ҳамдам ота УМАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ: А. САФАРОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-2717. Адади 24450.